2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 72 (1671), 2026 йил 12 апрель, якшанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОННИНГ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 11 апрель куни амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.**



Олий мартабали меҳмонни Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кутиб олди.

Миллий куй-қўшиқ ва рақслардан иборат тантанали кутиб олиш маросими бўлди. Икки мамлакатнинг давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида қўшни давлатлар, хусусан, Қозоғистон билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Икки қардош мамлакат ўртасидаги алоқалар нафақат стратегик шериклик, балки чин маънодаги иттифоқчилик тамойиллари асосида мустаҳкамланмоқда. Бу эса минтақада барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашнинг энг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик руҳидаги ушбу яқинлик халқларимизнинг тарихий ва маънавий илдизлари муштараклигига асосланади. Давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродаси туфайли чегаралар дўстлик ва ҳамкорлик кўпригига айланди. Иқтисодий ва маданий алоқалар изчиллик касб этди.

Мазкур амалий ташриф ҳам икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кун тартибини янада кенгайтириш ва келажакдаги устувор йўналишларни белгилаб олиш йўлидаги муҳим қадам бўлди. Ўзбекистон ва Қозоғистон нафақат иқтисодий шериклар, балки умумий тақдири ва келажаги бир бўлган, минтақавий яхлитликни таъминловчи қудратли куч сифатида намоён бўлмоқда.

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан биргаликда Баҳоуддин Нақшбанд мақбарасини зиёрат қилди.

Қадимий Бухородан 12 километр узоқликда жойлашган мажмуа минтақадаги энг муҳим зиёратгоҳлардан бири ҳисобланади. Бу ерда XIV асрнинг йирик уламоси — нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд дафн этилган.

Ўзбек ва қозоқ халқларининг дини, маънавий қадриятлари бир. Юртимизда яшаган авлиё ва алломалар Қозоғистонда ҳам эъзозланади. Буюк аждодимиз Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

Ансамбль асрлар давомида шаклланган бўлиб, бугунги кунда унинг таркибида мақбара, Абдулазизхон томонидан зиёратчилар учун қурилган хонақоҳ, иккита масжид, шайбонийлар, аштархонийлар ва манғитлар сулолалари амирлари дафн этилган дахма, шунингдек, сўфийлик тарихига бағишланган музей ўрин олган.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан мажмуа янада обод қилиниб, тарихий қиёфаси тикланди. Аввало, Тоқи миёна дарвозасидан борувчи тарихий йўлак қайта таъмирланди. Тоқи миёна дарвозасининг икки ёни боққа айлантирилган. Музей ва таҳоратхона барпо этилган. Манғитлар сулоласига мансуб бўлган Бухоро оталиғи Дониёлбий қурдирган мадраса таъмирланмоқда.

Ташриф давомида Қуръон оятлари тиловат қилиниб, қардош халқларимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо ўқилди.

Бухоро шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Қозоғистон дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Музокаралар аввалида давлатимиз раҳбари Қозоғистон Президентини янги Конституция бўйича референдум муваффақиятли ўтказилгани билан табриклади.

Ҳудудларда мунтазам равишда норасмий учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланиб, икки томонлама ва минтақавий кун тартибидаги долзарб масалаларни очиқ ва конструктив муҳокама қилишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Ўтган йил ноябрь ойида Қозоғистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида эришилган келишувларнинг амалий натижалари мамнуният билан қайд этилди.

Барча даражалардаги алоқалар, жумладан, ҳукуматлараро ва парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди.

Товар айирбошлаш барқарор ўсиб, ўтган йили 5 миллиард долларга етди. Автомобилсозлик, инфратузилмани ривожлантириш, логистика, электротехника, қурилиш материаллари ва бошқа тармоқларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Кимё, геология, энергетика, автомобиллар учун бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ва бошқа соҳалардаги бир қатор янги ташаббуслар кўриб чиқилди.

Транспорт ва логистика соҳасида ўзаро боғлиқликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Чегараолди инфратузилмани модернизация қилиш, тўсиқларни бартараф этиш ва ташқи бозорларга чиқишни таъминлайдиган самарали транспорт йўлакларини яратиш бўйича қўшма чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, томонлар “Қамбарота” гидроэлектр станцияси қурилиши каби йирик минтақавий лойиҳаларни жадаллаштириш ва “яшил” энергия экспорти бўйича ташаббусларни илгари суриш масалаларини ҳам муҳокама қилдилар.

Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва минтақавий экологик ташаббусларни илгари суриш, шу жумладан, чегарадош ҳудудларда “Тоза ҳаво” лойиҳаларини амалга ошириш бўйича биргаликда ишлаш муҳимлиги қайд этилди.

Етакчилар инновацион ва юқори технологик соҳаларда, жумладан, космик технологиялар, рақамлаштириш, электрон тижорат ва стартапларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш қатъийлигини билдирдилар.

Маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш, жумладан, маданият кунлари, ёшлар форумларини ўтказиш, креатив иқтисодиёт ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Давлат раҳбарлари халқаро ва минтақавий сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Учрашув давомида бош вазирлар ўринбосарларининг савдо-иқтисодий кун тартибининг долзарб жиҳатлари, жумладан, яқин истиқболда ўзаро савдони 10 миллиард долларга етказиш борасида кўрилаётган чоралар бўйича ҳисоботлари тингланди.

Музокара якунида ҳукуматларга эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни қабул қилиш топширилди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Бухоро вилояти ҳокимлиги ситуацион маркази фаолияти билан танишдилар.

Мамлакатимизда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари ишини уларни ягона манзилда жамлаган ҳолда ташкил этишга қаратилган маҳаллий давлат бошқарувининг янги модели изчил жорий этилмоқда. Бундай ёндашув идоралар фаолиятининг ўзаро мувофиқлашувини ошириш, қарорлар қабул қилишни тезлаштириш ва аҳолини ўйлантираётган муаммоларни янада самаралироқ ҳал қилишга хизмат қилади.

Вилоят бошқарувининг интеллектуал ўзагига айланган замонавий ситуацион марказ Бухоронинг янги маъмурий марказида ташкил этилди. Бу ерда дастлабки босқичда вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси ҳамда бошқа тузилмалар жойлашган.

Марказда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан тортиб, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, коммунал ва транспорт инфратузилмаси, жамоат хавфсизлиги ҳолати, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашгача, умуман, вилоят ҳаётининг барча жабҳалари бўйича маълумотлар реал вақт режимида шаклланади, қайта ишланади ва тизимли равишда таҳлил қилинади.

Олий мартабали меҳмонга марказнинг ҳудудлар кесимида вазиятни комплекс мониторинг қилиш, муаммоли нуқталарни барвақт аниқлаш, жойлардаги иш самарадорлигини холис баҳолаш ва белгиланган вазифаларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш бўйича имкониятлари аниқ мисоллар асосида кўрсатиб берилди.

Шундан сўнг етакчилар ҳокимлик ходимлари учун яратилган шароитларни кўздан кечирдилар. Янги бино замонавий иш жойлари, мажлислар заллари, рақамли инфратузилма билан жиҳозланиб, давлат идораларининг самарали ва уйғун бўлиб ишлаши учун барча зарур қулайликлар таъминланган.

Ташриф давомида Қозоғистон Президентига ноёб архив материалларининг нусхалари ҳам кўрсатилди. Бу Ўзбекистонда аниқланган, Туркистонда жойлашган Хожа Аҳмад Яссавий ва Мирзо Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегим мақбараларига алоқадор 1920-1950 йилларга оид қимматли ҳужжатлар, чизмалар ва фотоматериаллардир.

Қардош қозоқ халқига ва икки мамлакатнинг умумий тарихига ҳурмат белгиси сифатида ушбу архив ҳужжатларининг нусхалари Қозоғистон томонига ҳадя қилинди.

Ҳозирги кунга қадар аксарияти илмий муомалага киритилмаган бу материаллар катта тарихий ва илмий аҳамиятга эга экани қайд этилди. Ноёб меъморчилик ёдгорликлари бўлган Аҳмад Яссавий ва Робия Султонбегим мақбаралари Марказий Осиё халқларининг умумий тарихий-маданий меросида алоҳида ўрин тутиши таъкидланди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Бухоро шаҳрининг универсал спорт мажмуасида ўтказилаётган “National AI Hackathon” — сунъий интеллект бўйича умуммиллий хакатонга ташриф буюрдилар.

Ушбу тадбир давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Ўзбекистонда сунъий интеллект экотизимини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил сиёсат доирасида ташкил этилди.

Етакчиларга рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш борасидаги ишлар натижалари тақдимот қилинди. Хусусан, “Рақамли ҳукумат” тизими, транспорт, божхона, солиқ, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, энергетика, геология, қурилиш ва қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ечимларни ўз ичига олган рақамли трансформация жараёнлари ҳақида ахборот берилди.

Мазкур соҳаларни рақамлаштириш давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш ва аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон стартапларини қўллаб-қувватлаш ҳамда илгари суриш экотизими тақдимоти бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари “KPI-COM”, “OSON”, “DATOX” ва бошқа истиқболли стартап лойиҳалари фаолияти билан танишдилар ҳамда уларнинг ташаббускорлари билан мулоқот қилдилар.

Миллий ва хорижий акселераторлар, жумладан, “UZUM”, “TBC Bank”, “Aloqabank”, “HUMO”, “UZCARD” фаолияти тўғрисида маълумотлар тингланди.

Венчур инфратузилмасини янада ривожлантириш ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Банк соҳасининг ютуқлари, хусусан, рақамли банк хизматлари ва замонавий тўлов ечимларининг ривожига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат раҳбарларига хакатон ўтказиш концепцияси ва иштирокчиларнинг турли соҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган лойиҳалари тақдим этилди.

Очиқ мулоқот давомида ёшларда мазкур соҳага қизиқиши юқорилиги, йигит-қизларнинг ижодий салоҳияти ва сунъий интеллект технологияларини амалий қўллашга бўлган иштиёқи юқори баҳоланди.

Ташриф якунида Президентлар хакатон иштирокчилари ва стартап ҳамжамияти вакиллари билан эсдалик учун суратга тушдилар.

Давлат раҳбарлари Бухоро шаҳрида рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг тўлиқ занжирини йўлга қўйган “Нигора” компаниясига ташриф буюрдилар.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 35 миллион долларни ташкил этиб, 2024 йил август ойида муваффақиятли ишга туширилган. Бу ерда 840 нафар ходим иш билан таъминланган, уларнинг аксариятини аёллар ташкил этади.

Япония, Италия, Бельгия ва Германиядан келтирилган юқори технологик ускуналар халқаро бозорларда дадил рақобатлашиш ҳамда ҳар йили 20 миллион погон метр тайёр мато ва 1 миллион дона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради.

Президентларга тайёр кийим-кечак ва матолар намуналари намойиш этилди. “Shoyigul” бренди остида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан Европа мамлакатларига, хусусан, Италия, Австрия, Буюк Британия ва Германияга экспорт қилинмоқда.

Давлат раҳбарлари компаниянинг йиллик экспортни 10 миллион долларга олиб чиқиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда келгусида синтетик тола ва аралаш матодан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режаларини юксак баҳоладилар.

Тадбирлар якунлангач, олий мартабали меҳмонни Бухоро халқаро аэропортида давлатимиз раҳбари кузатиб қўйди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Бухоро вилоятига ташрифи якунланди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Зариф КОМИЛОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!**

# ВАТАНПАРВАРЛИК – ЮРТ ҲИМОЯСИ УЧУН МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОН

**Бугунги таҳликали замонда мустақиллик, тинчликнинг қадри ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Бу бебаҳо неъматни асраш, кейинги авлодларга уни безавол етказиш — муқаддас бурчимиз. Шу маънода, Мустақиллик байрами нафақат ҳуқуқ эътирофи, балки энг азиз айёмдир. Мана, 35 йилдирки, бу санани кўп миллатли халқимиз катта тантана қилиб келяпти.**



Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 1 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қутлуғ санага муносиб тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларни қамраб олгани баробарида янги Ўзбекистонимиз шон-шавкати, қудратини янада юксалтириш, бу борадаги ютуқларимизни кенг ёритишга қаратилган.

Жумладан, миллий истиқлолимизнинг 35 йиллигини янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мувофиқ юксак даражада, муносиб нишонлаш мақсадида юртимиз тинчлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи мудофаа тизимини мустаҳкамлаш йўналишидаги ислоҳотларни ёритиш алоҳида вазифа сифатида белгиланди.

*Давоми 3-бетда*

**Йўлчироқ**




# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ ҲУДУД”

## маҳаллаларга ободлик, қалбларга шодлик улашаётган лойиҳа

**Сўнгги ўн йилликдаги ислоҳотлар туфайли Ёзёвон туманидаги иқтисодий-ижтимоий ҳаёт тубдан ўзгарди. Ўтган асрнинг 50-йиллари Марказий Фарғонадаги қум бархани ўрнида ташкил этилган туманга йиллар давомида фақат хомашё етказиб берадиган ҳудуд сифатида қаралар эди.**

*Давоми 3-бетда*

**Хорижий мамлакатлар билан миграция масаласидаги ҳамкорлик, энг аввало, аҳоли бандлиги ва даромади ортиши, шунингдек, пул ўтказмалари ҳажми ўсиши орқали иқтисодий манфаатдорлик келтиради.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

# ТАРТИБЛИ ТАҲЛИЛГА АСОСЛАНГАН ВА АНИҚ МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН СОҲА

## ЮРТДОШЛАРИМИЗ ЭНДИ ОДДИЙ ИШЧИ ЭМАС, БАЛКИ МАЛАКАЛИ, РАҚОБАТБАРДОШ МУТАХАССИС СИФАТИДА ЖАҲОН МЕҲНАТ БОЗОРИГА КИРИБ БОРМОҚДА

Бандлик

**Яқинда АҚШнинг USAFarmLabor ташкилоти билан ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, Ўзбекистон фуқаролари Қўшма Штатлардаги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавсумий ишларга жалб этилади.**

Мазкур ташкилот 22 йилдан буён H-2A дастури доирасида АҚШ қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавсумий ишларга хорижликларни жалб қилиш билан шуғулланади. Ҳозир Шимолий Америка ҳудудида 1400 дан ортиқ фермер хўжалиги ва ранчо билан ҳамкорлик шартномасига эга.

Ўтган йили Президентимизнинг Словенияга ташрифи доирасида эришилган келишувлар натижасида биринчи марта йўл қурилиши соҳасида фуқароларимиз бу мамлакатда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш имкониятига эга бўлди. Шу билан бирга, Япония, Жанубий Корея, араб мамлакатларига фуқароларимиз тиббиёт, қурилиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларига ишга юборилмоқда.

Бундан ташқари, Швеция, Норвегия ва Дания каби давлатлар билан ҳам музокаралар ўтказилмоқда.

Айни пайтда Японияда ҳайдовчилар, Германияда ҳамширалар учун иш ўринлари танлови эълон қилинган. Шунингдек, хусусий бандлик агентликлари томонидан ҳам қатор хорижий мамлакатларга иш ўринлари таклиф этилмоқда.

Миграция агентлигининг “Хорижда иш” платформаси орқали фуқаролар қайси мамлакатга бориш тўғрисида ариза қолдирса, ўша мамлакатда иш ўринлари очилганда хабардор қилинмоқда.

2025 йилда Италия Бош вазири юртимизга ташриф буюрганда Ўзбекистоннинг ўзида тайёрланган мутахассис мигрантларни Италиядаги юқори даромадли ишларга юбориш масаласи муҳокама қилиниб, битим имзоланганди. Ана шу келишув доирасида мутахассис тайёрлаш учун танловлар ўтказилди ва Фоджа университети билан биргаликда тил курслари ташкил этилди. Аҳамиятлиси, бу олти ойлик тил курслари учун тўлов Миграция жамғармаси ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Хорижий мамлакатлар билан миграция масаласидаги ҳамкорлик, энг аввало, аҳоли бандлиги ва даромади ортиши, шунингдек, пул ўтказмалари ҳажми ўсиши орқали иқтисодий манфаатдорлик келтиради.

Йил сайин юртдошларимиз учун янги меҳнат бозорлари очилмоқда. Маълумотларга кўра, анъанавий меҳнат бозорларига қўшимча равишда Европа Иттифоқи ва бошқа ривожланган давлатлардан пул жўнатмалари кескин ўсган. Хусусан, ўтган 2025 йилда чет элдан Ўзбекистонга келиб тушган пул ўтказмалари олдинги йилдагига нисбатан 28 фоиз кўпайган.

Бугун глобал меҳнат миграцияси иқтисодиётнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Миллионлаб инсонлар ўз юртидан ташқарида меҳнат қилиб, нафақат оиласи даромадини таъминламоқда, балки мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга ҳам ҳисса қўшмоқда.

Айниқса, ривожланаётган давлатлар учун меҳнат миграцияси валюта тушумлари, бандлик ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон учун ҳам бу йўналиш стратегик аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда ватандошларимиз учун меҳнат миграцияси географияси сезиларли даражада кенгайди.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида устувор йўналишлар бўйича ислоҳотлар дастурлари ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурида ҳам бу борада қатор вазифалар белгиланган. Жумладан, хорижда меҳнат фаолияти билан банд фуқароларга кўрсатилаётган ҳуқуқий ёрдам кўламини ошириб бориш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш, Миграция агентлигининг Болгариядаги ваколатхонасини очиш шулар жумласидандир. Болгария, Италия, Португалия, Германия, Буюк Британия, Канада, Австралияда Миграция агентлигининг фахрий вакилларини тайинлаш тизимини жорий этиш назарда тутилмоқда.

Агар илгари асосий йўналишлар сифатида Россия, Қозоғистон, Жанубий Корея каби анъанавий меҳнат бозорлари устунлик қилган бўлса, бугунги кунда Европа Иттифоқи, Буюк Британия ва океан орти давлатлари каби янги манзиллар фаол ўзлаштирилмоқда.

Рақамлар жараённинг жадаллигини тасдиқлайди. Масалан, 2025 йилда хориждаги меҳнат мигрантлари томонидан юборилган пул ўтказмалари ҳажми 18,9 миллиард долларни ташкил этди. Хусусан, Молдова ва Хорватиядан пул ўтказмалари ҳажми 2,5 баробар, Сербиядан 95 фоиз, Буюк Британиядан 39 фоиз, Туркиядан 35 фоиз ошган.

— Меҳнат миграцияси жуда қизиқ жараён. Сабаби ҳамюртларимиз, ёшларимиз чет мамлакатга бориб, иш жараёнида қисқа вақт ичида уларнинг меҳнат тизими, замонавий технологияларини ўрганади. Муҳими, ватанимизга қайтиб келиб, ана шу ўрганган касбларини давом эттириши учун барча имконият яратилмоқда, — дейди Миграция агентлиги директори Беҳзод Мусаев. — Ўтган даврда меҳнат миграцияси географияси уч-тўртта давлатдан иборат бўлган, ҳозирги кунда эса бу соҳада 34 та давлат билан ҳамкорлик қилинмоқда. Асосийси, бу жараён янада кенгаймоқда.

Сўнгги йилларда хорижда ишлаётган юртдошларимиз ва оиласини қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган имтиёзлар кўламини кенгайтириш, чет элларда уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини кафолатлаш, хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини йўлга қўйиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хориждаги меҳнат мигрантлари фаолияти мониторинг қилиниб, меҳнат шартномаси шартлари бажарилиши, меҳнат мигрантларининг меҳнат қилиш ва яшаш шароитлари ўрганилмоқда. Муаммоларни жойида ҳал этишга ҳаракат қилиняпти.

Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари томонидан юртимиздаги ислоҳотлар, шу жумладан, ёшларга яратилаётган шароитлар тўғрисида маълумотларни етказиш, миллий қадриятларга ёт ғоялардан муҳофаза этиш доирасида хорижда таълим олаётган ўзбекистонлик талабалар билан мунтазам сайёр қабул ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

Айтиш жоизки, хорижга ишга жойлаштириш қонун билан тартибга солинган жараён. Бу иш билан нафақат Миграция агентлиги, балки агентлик томонидан лицензия берилган хусусий бандлик агентликлари ҳам шуғулланмоқда. Албатта, хорижда иш таклифини олган ҳар бир фуқаро бу таклиф ким томонидан берилаётгани тўғрисида суриштириши, барча ҳужжатларни кўриши шарт.

Энг муҳими, бу жараёнда инсон капитали қиймати ошиб бормоқда. Юртдошларимиз энди оддий ишчи эмас, балки малакали, рақобатбардош мутахассис сифатида жаҳон меҳнат бозорига кириб бормоқда. Натижада ўзбекистонлик меҳнат мигрантларига тўланадиган иш ҳақи ҳам сезиларли даражада ўсяпти. Бу эса, табиийки, мамлакатимизга келиб тушаётган валюта оқими ортишига хизмат қилиб, миллий иқтисодий барқарорликка ижобий таъсир кўрсатмоқда.



**Лутфулла СУВОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Рақамлаштириш

**Мамлакатимизда суд ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими босқичма-босқич ислоҳ этиляпти. Бунда рақамлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Таҳлилларга кўра, 2025 йили давлат ижрочилари тугатув бошқарувчиларига қарийб 63 мингта ҳужжатни қоғоз шаклида юборган. Солиқ қарзи бўйича юридик шахснинг мол-мулкини солиқ ходими ҳам, Мажбурий ижро бюроси ходими ҳам хатламоқда. Кредит қарздорлиги бўйича юридик шахснинг мол-мулкини хатлаш учун 1-2 кун вақт кетмоқда.**



# СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРО ТИЗИМИ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ

Президентимизнинг шу йил 30 мартдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизимини рақамлаштириш ва самарадорлигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан бу борада янги ҳуқуқий механизмлар белгиланди.

Фармонга биноан, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тизими трансформация қилинади. Шу мақсадда 2027 йил 1 январдан бошлаб сунъий интеллектни жорий этиш ва ахборот тизимларини такомиллаштириш орқали инсон омили иштироки камайтирилади, давлат ижрочисининг аралашувисиз 30 фоиз ишнинг ижроси таъминланади, қабул қилинадиган қарорларнинг камида 70 фоизи автоматлаштирилади.

Ижро иши юритуви жараёнини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида электрон шаклда юритиш ва ундирилган пул маблағларини ундирувчиларга тақсимлаш жараёни ҳам автоматлаштирилади.

— Ҳужжатга биноан МИБ органлари зиммасига ҳам қатор вазифалар юклатилди. Хусусан, ундирилган маблағларни ундирувчига етказишдаги ортиқча қоғозбозликка барҳам бериш мақсадида пул маблағларини тақсимлаш жараёни тўлиқ рақамлаштирилади, — дейди Мажбурий ижро бюроси директорининг биринчи ўринбосари Шавкат Ҳайдаров. — Бугун ундирувчиларнинг 7 тоифадаги ижро ҳужжатини мажбурий ундирувга қаратишдаги тартиб-таомиллар жуда мураккаб. Мисол учун, юридик шахсдан пул маблағларини ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати дастлаб қарздорга хизмат кўрсатувчи тижорат банкига топширилади. Тижорат банки ҳужжатни ижро этмаганидан кейингина мажбурий ижрога қаратилар эди. Энди ундирувчиларга қулайлик яратиш мақсадида фармон билан ижро ҳужжати тўғридан тўғри мажбурий ундирувга қаратилиши ҳуқуқи белгиланди. Фармондан кўзланган асосий мақсад ҳам ижро ҳужжати бўйича қарздорлик мавжудлиги ҳақида тезкор ва қулай шароитда хабардор қилишдан иборат.

Бугун фуқаролар чет элга чиқиш ёки мулкларини расмийлаштириш вақтида ўзига нисбатан чекловлар борлигини биляпти. Бу эса аҳолига ноқулайлик яратиб, ҳақли эътирозларга сабаб бўлмоқда. Шу пайтгача Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда МИБнинг расмий сайти орқали фуқаролар ўзининг қарздорлиги ҳақида хабардор бўлиши мумкин эди. Аҳамиятлиси, энди фуқаролар тўлов тизимлари орқали ҳам бундай маълумотларни олиш имконига эга бўлади.

**2026 йил 1 июлдан бошлаб суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларига асосан давлат даромадига ўтказилиши назарда тутилган автомототранспорт воситалари ва кўчмас мулклар давлат ижрочисининг қарори асосида тўғридан тўғри Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфига ўтказилади.**

Бундан ташқари, 2026 йил 1 сентябрга қадар тўловга қобилиятсизлик жараёнидаги юридик шахсларнинг мажбуриятлари, шунингдек, ижро ишлари доирасида фуқаролар амалга оширган коммунал тўловлар бўйича электрон маълумот алмашинуви йўлга қўйилади.

Энергетика вазирлиги “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ ва “Ҳудудгазтаъминот” АЖ билан бирга жорий йил 1 июлга қадар ижро ишлари доирасида фуқароларнинг коммунал тўловлари бўйича электрон маълумот алмашинувини “Рақамли ҳукумат” тизими орқали йўлга қўяди.

2026 йил 1 майдан бошлаб алимент тўловини ундириш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида алимент бўйича қарздорлик мавжуд бўлганда қарздорлик тўлиқ бартараф этилгунига қадар алоҳида йирик битимларни амалга ошириш, айрим турдаги молия-кредит ва давлат хизматларидан фойдаланишни чеклаш тартиби жорий этилади.

Амалиётда давлат ижрочиларининг иш юкламаси кўплиги сабаб банклар фойдасига кредитлар ундириш билан боғлиқ суд қарорларини ижро этиш муддати узоқ вақт талаб этмоқда. Янги тартиб билан бундай ҳужжатлар бўйича ижро ҳаракатларини амалга ошириш борасида қўшимча имкониятлар тақдим этилмоқда.

Жумладан, бугун банклар фойдасига муаммоли кредитларни ундириш билан боғлиқ 241 мингта ҳужжат мавжуд. Энди тижорат банклари молиялаштирадиган маблағ ҳисобидан 400 та янги штат бирлиги очилиб, муаммоли кредитлар портфелини камайтиришга эришилади.

Бу жараёнда муаммоли кредитлар бўйича ижро ҳужжатлари асосида вужудга келган мажбуриятларни ундириш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириш ихтисослаштирилган давлат ижрочиларига юклатилади.

Ҳужжатга мувофиқ, юридик шахслардан солиқ қарзи ва муаммоли кредитларни ундиришда янгича ёндашув жорий этилади. Бунда ижро ҳужжатлари бўйича мол-мулкларни ундирувчи расмийлаштирган процессуал ҳужжатлар асосида давлат ижрочисининг қарори билан онлайн аукцион орқали реализация қилиш имкони яратилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкини хатлаш, кўздан кечириш билан боғлиқ ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари солиқ қарзини ундиришга оид ижро ҳужжатлари бўйича — солиқ органининг мансабдор шахси, гаров билан таъминланган мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги ижро ҳужжатлари юзасидан банкларнинг ваколатли шахслари томонидан бажарилади.

Янги тартибни жорий этиш орқали “солиқ — банк — давлат ижрочиси” тамойили асосида қарздорликни ўз вақтида ундириш ҳамда давлат ижрочиларининг иш юкламасини камайтиришга эришилади. Бунда расмийлаштирилган процессуал ҳужжатлар билан боғлиқ хатарлар ваколатли идоралар зиммасида қолади.

Бугун 21 турдаги молия-кредит ва давлат хизматлари қарздорлик текширилганидан сўнг кўрсатилади. Янги тартиб билан бу турдаги хизматлар транспорт воситалари ойнасини қорайтириш каби яна 99 турдаги хизмат билан кенгайтирилади.

**Лутфулла ХАЙРУЛЛАЕВ,**
**журналист**

Ислоҳот одимлари

**Президентимиз шу йил 26-27 февраль кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида муҳим вазифаларни белгилаб берган эди. Хусусан, йўл ва транспорт инфратузилмасини янада яхшилаш борасида тизимли ислоҳотлар қилиниши лозимлиги айтилганди. Ҳозир вилоятда ушбу вазифалар ижросига киришилган.**



# ИМКОНИЯТЛАР ВОҲАСИ:

## ТАЖРИБАЛАР ОММАЛАШИБ, ЎЗГАРИШЛАР ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТМОҚДА

— Бундай янгиланишлар вилоят тарихида бўлмаган. Масалан, илк бор Термиз шаҳридан Истанбул ва Дубай шаҳарларига янги авиарейсларни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда, — дейди олтинсойлик фахрий ўқитувчи Жўрақул Мелиқулов. — Бундан ташқари, Шўрчи, Денов, Сариосиё, Шеробод ва Бойсун туманларига автобус қатнови йўлга қўйилади. Бу узоқ йиллик орзумиз эди.

Вилоятдаги томорқалар 49 минг гектарни ташкил этади. Уларнинг 35 минг гектарида йилига 3-4 марта ҳосил олиш имконияти мавжуд. Бу нафақат улкан захира, балки катта иқтисодий салоҳиятдир. Аграр жиҳатдан имкониятлари кенг ҳудудда азалдан муайян деҳқончилик мактаблари шаклланган. Ҳозир эса воҳалик деҳқонлар эришаётган натижалар, қўлга киритаётган ютуқлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига татбиқ этаётган илмий ва инновацион ёндашувлар республикамиз бўйлаб оммалашмоқда. Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”да ердан самарали фойдаланиш, илмий ёндашув асосида бир йилда 5 мартагача экин экиш тажрибаси йўлга қўйилган. Бу ташаббус ички бозорни арзон ва сифатли маҳсулот билан таъминлайди. Айни пайтда экспорт ҳажмини ошириб, янги иш ўринлари яратиш имконини беради. “Томорқа мактаби”да аҳоли ердан самарали фойдаланиш, сердаромад экин турларини экиш, маҳсулотларни қайта ишлаш ва сақлашнинг замонавий усулларини ўрганади.

— Бу ерда ишсиз ва кам таъминланган оилаларга барқарор даромад манбаига эга бўлишга кўмак берилади. Улар ўқиш жараёнида деҳқончиликни илмий асосда ўрганади. Айни пайтда шу ердаги тажриба майдонларидаги экинлар орқали амалий кўникма ҳосил қилади, — дейди Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги директори Иброҳим Эргашев. — Бу ерда уруғ танлашдан то ҳосилни териб олишгача бўлган жараён илмий, амалий тарзда ўқитиб, ўргатилади. Сурхондарё шароитида бир йилда 3-4 марта ҳосил олиш амалиёти кўрсатиб берилади.

Халқимизда “Ерни боқсанг, ер сени боқади” деган нақл бор. Чиндан ҳам кимки ер билан тиллашиб меҳнат қилса, унга меҳр қўйса, қуруқ қўл билан қолмайди. “Томорқа мактаби” ҳудудини томоша қиларкансиз, кўзингиз қувнайди. Бу ерда жойлашган иссиқхоналарда Сурхондарё шароитига мослаштирилган банан, папайя, розмарин, лаванда, лимон, анжир, брокколи, булғор қалампири ва бошқа экинлар етиштирилмоқда. Шунингдек, кўчатчилик ва гулчилик ҳам йўлга қўйилган.

Маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари йилига 2700 нафаргача томорқа ва ижара ер эгасини бу манзилга ўқишга йўналтирмоқда.



Шу пайтга қадар бу ерда 1300 га яқин ишсиз ва камбағал оила вакили курсларни тугатиб, томорқаси ёки ижара ерларидан самарали фойдаланяпти.

Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг “Томорқа мактаби”да республика агросаноат мажмуаси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси масъуллари, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги мутасаддилари иштирокида семинарлар ташкил этилмоқда. Мақсад озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган ушбу мактабни кўриб, тажриба алмашишдир.

Семинар иштирокчиларига саноатлашган боғлар, сув тежовчи технологиялар тақдимот қилиниб, мева-сабзавотларни қайта ишловчи ва экспорт қилувчи тадбиркорлар билан мулоқот ўтказилди.

— Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳар бир қарич ердан юқори натижа олиш. Шу орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш. Бу мақсадга эришишда Термиз туманидаги “Томорқа мактаби”нинг аҳамияти катта, — дейди қорақалпоғистонлик фермер Абдувайит Айназаров. — Тажрибалар, илм-фан ва технологиялар ишлаб чиқариш билан омихта қилингани бизда кучли таассурот қолдирди. Уни пухта ўрганишга интиляпмиз. Доимий алоқа ўрнатиб, Қорақалпоғистонда ҳам ушбу тажрибани кенг тарғиб этмоқчимиз.

Вилоятда саноат ва бошқа соҳаларда янги лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали минглаб иш ўринлари яратишга, маҳаллий кадрлар салоҳиятини оширишга эътибор берилмоқда. Бу соҳада рақобатбардошликни кучайтиради. Натижада аҳоли учун барқарор даромад манбаи яратилиб, вилоятда иқтисодий барқарорлик мустаҳкамланади.

— Илгари ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш ва уларни замонавий талабларга мос мутахассис сифатида тайёрлаш масаласи жуда долзарб эди, — дейди Термиз давлат университети кимё факультети декани Баҳодир Холназаров. — Бугун шу масалалар бирма-бир ечиляпти. Энди ёшларни ўқитиб, бандлигини таъминлаш борасида режали ишлар бажарилмоқда. Бундай ёндашув ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш, талабаларнинг замонавий иқтисодий талабларга мос кадрлар бўлишида қўл келмоқда.

Сурхондарёнинг туризм салоҳияти катта. Вилоятда 561 та маданий мерос объекти давлат рўйхатига олинган. Уларнинг 444 таси археологик ёдгорлик, 32 таси ислом зиёрат туризми ва 8 таси буддизм иншоотидир. Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Исо Термизий мажмуалари, Сўфи Оллоёр, Мавлоно Муҳаммад Зоҳид мақбараси, Кокилдор хонақоҳи сингари манзилларни зиёрат қилишга аҳолиси асосан ислом динига эътиқод қилувчи давлатлардан сайёҳлар келиши кучайган. Шунингдек, Зурмала, Далварзинтепа, Фаёзтепа, Будрачтепа, Холчаён каби узоқ ўтмишдан сўйлайдиган археологик ёдгорликларни буддавийлик динига эътиқод қилувчилар келиб кўряпти. Европалик сайёҳлар эса қадим Тешиктош, Мачай ғори, Эски Термиз, Қирққиз, Искандар кўприги, Жарқўрғон минораси каби тарихий-маданий ёдгорликларни томоша қилишга иштиёқманд.

Вилоятда туризм ривожига қаратилган лойиҳалар янги иш ўринлари яратиш билан бирга ҳудуднинг халқаро имижини мустаҳкамлаш ва тарихий меросни асраб-авайлаш ва келажак авлодга етказишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

— Сурхондарёга келган меҳмонлар унинг табиати, тарихи, қадриятлари ва анъаналарини кўриб ҳайратланади, — дейди Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгаши депутати Дилбар Нормуродова. — Давлатимиз раҳбари ташрифидан сўнг воҳада туризмни, жумладан, экотуризм ва ҳунармандликни ривожлантириш йўлида катта қадам ташланди. Режадаги ишлар амалга ошиб бориши билан сайёҳлар кўпаяди. Бу халқимиз учун қўшимча даромад келтиради. Натижада иқтисодиёт билан бирга маданий соҳа ҳам барқарор ривожланади.

Буларнинг барчаси Сурхондарёда янгиланишлар янги босқичда изчил давом этаётганини кўрсатади. Воҳа аҳли ана шу ўсиш ва ўзгаришларга муносиб тарзда катта марраларни кўзлаб, мақсад сари дадил бормоқда.

**Сарвар ТЎРАЕВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!**



# ВАТАНПАРВАРЛИК – ЮРТ ҲИМОЯСИ УЧУН МУСТАҲКАМ ҚАЛҚОН



**Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бошланиши 1-бетда**

Қуролли Кучлар мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, чегараларнинг дахлсизлиги, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлашнинг чинакам кафолатига айланиб бораётир. Бу армия Ватан чегараларини ҳимоя қилиш билан чекланиб қолмай, келажак авлод учун матонат ва фидойилик намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Хавфсизлик кенгашининг жорий йил 13 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида минтақавий ва глобал вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш, миллий армиямизнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш давр талаби экани, Ўзбекистон армияси халқ ҳимоясига доимо тайёр туриши, бунинг учун тезкор, юқори технологияли, янги жанг шароитларига мос бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлаган эди.

Сўнгги йилларда ҳарбий соҳада кенг кўламли модернизация амалга оширилди: қўшинлар замонавий қурол-яроғ, жанговар техника, ўқ-дори, коммуникация ва кузатув воситалари билан жиҳозланди. Ҳарбий авиацияда янги турдаги вертолёт ва самолётлар ўзлаштирилди, ҳаво мудофааси тизимига замонавий зенит-ракета мажмуалари жорий этилди. Полигонларда реал жанговар шароитга яқин машқлар, қўшин турлари ўртасида ҳамкорликдаги операциялар, тактик ва стратегик ўқувлар мунтазам ўтказила бошлади.

Бугунги Ўзбекистон армиясининг тезкорлиги, аниқлиги, интизоми ва технологик салоҳияти айнан шу изчил модернизация сиёсатининг бевосита натижасидир. Янги техникалар, рақамли бошқарув тизимлари, ҳамкорликда ишловчи қўшин турлари ва малакали ҳарбий кадрлар мамлакатимиз Қуролли Кучларини Марказий Осиёдаги энг ишончли ва жадал ривожланаётган мудофаа тизимларидан бирига айлантирди.

Айни йўналишдаги ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳияти замонавий бошқарув ва мувофиқлаштириш тамойилларини жорий этиш, қўшинларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, ҳарбийларни илғор, юқори технологик қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналари билан босқичма-босқич жиҳозлашдан иборат.

Шу билан бирга, шахсий таркибнинг маънавий-руҳий тайёргарлигига ёндашувлар тубдан янгиланди. Миллий армиямиз ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда мардлик ва шон-шараф мактабига айланди. Асосийси, “Халқ ва армия — бир тану бир жон” тамойили амалда қарор топиб, соҳа ривожига янгича куч ва сифат бағишламоқда. Ҳарбий хизматчиларда юксак ватанпарварлик руҳи, мустаҳкам ирода, юқори масъулият ҳисси ҳамда касбий маҳоратни мунтазам оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакатимизнинг давлат суверенитети ва



ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилиши белгилаб қўйилди.

Ҳарбий хизматчилар ва оила аъзолари, фахрийларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилгани натижасида қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги, ҳарбий хизматчиларнинг профессионаллиги, жанговар руҳи ва психологик шайлиги сезиларли даражада ошди. Улар учун муносиб хизмат ва яшаш шароитларини яратиш, ижтимоий кафолатларни кучайтириш орқали армиянинг жамиятдаги нуфузини оширишга эришилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий олий таълим тизими қайта кўриб чиқилди ва сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқилди. Ҳарбий муассасалар фаолиятида кадрларни илғор технологиялар асосида тайёрлаш бўйича янги тизим жорий қилинди. Жумладан, Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг ташкил этилиши мазкур йўналишдаги муҳим ислоҳотлардан бири бўлди. Натижада юқори малакали, замонавий билим ва кўникмаларга эга ҳарбий кадрлар тайёрлаш имконияти янада кенгайди.

Таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилгани ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Янги таҳрирдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси асосида бу борада бошланган ишлар энди мутлақо янги сифат босқичига кўтарилади. Хусусан, Қуролли Кучларнинг рақамли салоҳиятини ошириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш борасидаги билим ва кўникмаларини оширишга устувор аҳамият берилади.

Жорий йил 6 апрель куни мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш ва ҳарбий хизматчиларни қўллаб-қувватлаш масалалари юзасидан ўтказилган йиғилишда ҳам бу борада қатор муҳим вазифалар белгиланди.

Бугун мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Йигит-қизларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши ҳамда бандлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича изчил ислоҳотлар давом эттирилмоқда. Хусусан, Хавфсизлик кенгашининг жорий йил 13 январь куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида ҳарбий хизмат нуфузини янада ошириш ҳамда ёшларнинг жамиятда муносиб ўрин топишига кўмаклашиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Бу борадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни касбга ўргатиш ва сифатли таълим олиши учун шароит яратиш ҳамда армияда китобхонликни оммалаштиришга қаратилган ҳужжатлар имзоланди.

2026/2027 ўқув йилидан бошлаб муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёшларга қатор имтиёз ҳамда кафолатлар берилиши назарда тутилмоқда. Энди муддатли ҳарбий хизматчилар учун ҳарбий хизмат даврида олийгоҳларга ўқишга кириб, масофавий таълим олиш имконияти яратилмоқда. Бу жараёнда аскарлар учун таълим ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳарбий қисмларда бешта асосий фан бўйича абитуриентларни тайёрлаш курслари очилади. Олийгоҳларнинг кириш имтиҳонларига тайёрлаш тизими йўлга қўйилади.

Шартнома асосида ўқишга қабул қилинган аскарларга эса фоизсиз имтиёзли кредитлар ажратилади. Энг муҳими, олий таълим муассасаларига қабул қилинган аскарлар ҳарбий факультетлар талабаларига тенглаштирилиб, ўқишни тамомлагандан сўнг уларга захирадаги лейтенант ҳарбий унвони берилади. Намунали хизмат ўтаган, республика ва халқаро спорт мусобақалари ҳамда фан олимпиадаларида биринчи ўринни эгаллаган аскарларни тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш тартиби белгиланмоқда.

Жорий этилаётган имтиёзлардан яна бири — аскарлар учун ҳарбий хизмат давомида “Битта аскар — битта касб” тамойили асосида 3-6 ойлик ўқув курслари ташкил этилиб, уларга давлат намунасидаги махсус сертификат берилишидир.

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Муддатли ҳарбий хизмат энди фақат жисмоний тайёргарлик эмас, балки ёшлар учун ҳаётдаги муваффақият йўлига айланиб, жамиятда ўз ўрнини топишида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Энг асосийси, янги Ўзбекистон тараққиёти учун юқори билимли, малакали ва интеллектуал салоҳиятга эга ватанпарварлар захираси шаклланади.

Умуман олганда, кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимизда ҳарбий қурилишнинг пухта ўйланган комплекс ва изчил модели шаклланаётганидан далолат беради. Унинг марказида эса замонавий, профессионал, юксак жанговар салоҳиятга эга, жамият ишончига сазовор бўлган ва ҳар қандай таҳдидларга самарали жавоб қайтара оладиган Қуролли Кучлар турибди. Бундай армия эса, шубҳасиз, давлатимиз хавфсизлиги ва барқарор тараққиётининг ишончли кафолатидир.

# “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ҚИЁФАСИДАГИ ҲУДУД”

## маҳаллаларга ободлик, қалбларга шодлик улашаётган лойиҳа

**Бошланиши 1-бетда**

Ҳатто яқин-яқингача туманда пахтани бирламчи қайта ишлаш тармоғи ҳам қурилмаган. Оқибатда ишсизлик даражаси юқорилаб борди. Меҳнатга яраша манфаат кўрмаган аксарият ёшлар иш излаб хорижга кетишга мажбур бўлди. Йўл, сув, табиий газ, электр таъминоти билан боғлиқ масалалар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлиб келаётганди. Ҳозир туман том маънода янги Ўзбекистоннинг қиёфасига айланиб бормоқда.

— Президентимизнинг “Алоҳида туман (шаҳар) ва маҳаллаларни аҳолининг яшаши ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун намунали ҳудудга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ёзёвонга “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги ҳудуд” мақоми берилди. Ҳозир уни намунавий ҳудудга айлантириш ишлари бошлаб юборилди, — дейди туман ҳокими Дилшоджон Жалилов. — Бу мақсад рўёби учун 100 миллиард сўм ажратилган. Шу орқали инфратузилмани яхшилаб, тадбиркорликни кенгайтириш каби истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Лойиҳалар дастурига кўра, туман марказидаги истироҳат боғи замонавий кўринишга келтирилади. Кўп қаватли 12 та уй қулай инфратузилма билан таъминланади. Қолаверса, 4 та спорт майдони қурилиб, 2 та ҳудудда ташкил этилган махсус саноат зоналарига коммуникация тармоқлари тортилади. Суғориш тизимлари ўрнатиш, 11 километрдан ортиқ ички йўлларни асфальтлаш, 3000 метр электр тармоқларини реконструкция қилиш, юқори кучланишли янги трансформатор ўрнатиш, давлат боғчасига қўшимча бино қуриш, зиёрат туризми, Марказий Фарғона сув омбори ҳудудида экотуризм лойиҳаларини ишга тушириш борасида ҳам ишлар бошланган.

Бозорлар ҳар бир юртнинг кундалик ҳаёт тарзини кўрсатиб берадиган ўзига хос “ташриф қоғози”дир. Буларни замонавий кўринишга келтириш, сотувчи, харидорлар учун қулай шарт-шароит яратишга эътибор беріляпти. Мақсад — аҳоли ҳаёт тарзи учун зарур имконият яратиб, иш билан бандликни таъминлаш, камбағалликка барҳам бериш. Шу мақсадда



“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги ҳудуд”га айлантириш учун тумандаги “Сойёни”, “Юқори” ҳамда “Қоратепа” МФЙларнинг ҳар бирига 5 миллиард сўмдан ажратилди.

Туманда “Янги Ўзбекистон” массиви барпо этилмоқда. Умумий майдони 65 гектар ерда 104 та кўп қаватли уй-жой қурилади. Ҳозир бу манзилда қурилиш ишлари жадал давом этиб, кўп қаватли турар жой ва маиший бинолар қад ростламоқда.

— Шу кунгача 13 та уй-жой, марказлашган иссиқлик таъминоти биноси, 990 ўринли мактаб, болалар боғчаси фойдаланишга топширилди, — дейди туман бош архитектори Жавлонбек Мамажонов. — Қурилаётган бинолар томига муқобил энергия билан ишловчи сув иситиш коллекторлари, қуёш панеллари ўрнатилмоқда. Бу иссиқ сувдан 25 фоиз, электр энергиясидан 10-15 фоиз қувватни тежаш имкониятини беради. Биноларнинг ташқи томони базальт билан қопланиб, сендвич панелдан тайёрланган эшик-ромлар ўрнатиляпти. Улар хонадонга иссиқ-совуқни ўтказмайди.

Электр, сув, газ, канализациялар учун янги тармоқлар тортилди. Бундан ташқари, “Менинг боғим” ижтимоий лойиҳаси асосида яшил ҳудудлар барпо этиш ишлари ҳам бажариляпти. Ташаббускор тадбиркорлар ёшлар коворкинг маркази, клиника, ресторан, тантаналар саройи сингари қиймати 21 миллиард сўм бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотларини қура бошлаган. Бундан ташқари, мусиқали фаввора, спорт майдончалари, ёзги айвонлар, пиёдалар йўлакчаси ҳудуд меъморий қиёфасини буткул ўзгартириб юбормоқда. Массив ободлигига ҳисса қўшадиган суғориш тизими, қуёш панелли ёритиш устунлари, ўриндиқ, чиқинди қутилари ўрнатиш, йўл ва автотураргоҳлар қурилиши ҳам эътибор марказида.

“Сойёни” маҳалла фуқаролар йиғинига “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилди. Янги лойиҳа қишлоқ меъморий қиёфаси, одамлар ҳаёт тарзига янгича руҳ, кўтаринкилик олиб кирди. Ушбу манзилда бўлиб, оддий одамлар билан суҳбатлашдик. Бунёдкорлик йўлидаги амалий ишлар билан танишдик.

## Йўлчироқ

Маҳалла фуқаролар йиғинида 4000 га яқин одам яшайди. Йиллар давомида эътибордан четда қолган ҳудудда ўзига яраша масалалар бор, албатта. Ҳозиргача маҳалланинг инфратузилмаси, аҳоли яшаш тарзини яхшилашга доир эҳтиёжлари ўрганилди. Маҳаллани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун лойиҳа ишлаб чиқилиб, дастур асосида ишлар бошланди. Аҳоли ва транспорт ҳаракатига халал бериб келган бинолар, қўлбола савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрнига замонавий меъморий ечимга эга бино ва иншоотлар қурилмоқда. Ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган кўприк таъмирга муҳтож. Лойиҳага кўра, сойнинг сув ўзани қирғоғини мустаҳкамлаш ва 400 метрли соғломлаштириш йўлагини қуриш ишлари бошланди.

— Маҳалламиз учун ажратилган маблағ аҳоли бандлигини таъминлаб, камбағалликдан чиқариш ва зарур шароит яратиш учун катта имконият, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳамидилла Мусалиев. — Лойиҳа доирасида 40 та тадбиркорлик объекти ишга туширилиб, 400 дан ортиқ янги иш ўрни очилади. Асосий эътибор кичик ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кўпайтиришга қаратилган. Жумладан, туризм, томорқачилик ва чорвачилик ривожлантирилади. Натижада камбағаллик 2,8, ишсизлик даражаси 3,4 фоизга тушади. Бундан ташқари, замонавий тиббиёт муассасаси, соғломлаштириш йўлакчалари қуриляпти. Марказий кўчаларга ўриндиқлар, тўсиқлар ўрнатиш, йўлларни асфальтлаш, пиёдалар йўлаклари қуриш, ариқларга лоток ётқизиш, йўл ёқаларида яшил майдон ташкил этиш бошланган. Темур Малик кўчасидаги хонадонларга ичимлик сув, электр тармоқлари тортиш, Лимончилар кўчасидаги эскирган сув иншоотини янгилаш назарда тутилган. Электр сарфи юқори уй-жойларга тежамкорлик учун муқобил энергетика қурилмалари ўрнатиляпти.




Илгари одамлар тиббий кўрикдан ўтиш ва даволаниш учун туман марказига ёки Фарғона ва Марғилон шаҳарларига боришга мажбур эди. Энди бунга зарурат қолмади. Маҳаллада “Асл шифо” хусусий клиникаси иш бошлади. Унда аҳоли саломатлигини назорат қилиш, даволаш билан боғлиқ барча шароит яратилган.

“Юқори” маҳалла фуқаролар йиғинидаги обида — халқ тилида Қорасоқол ота деб юритиладиган зиёратгоҳ аҳоли учун муҳим маънавий масканлардан. Одамлар бу ерга зиёрат ва дам олиш учун келади. Зиёратгоҳ XVIII-XIX асрларга тааллуқли ёдгорликлар сирасига киради. Ушбу масканда ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш мақсадида 3,8 миллиард сўм йўналтирилди. Бу пул эвазига йўл қурилади. Атроф обод қилиниб, ариқларга лоток ётқизилади. Электр тармоқлари тортилиб, кўча чироқлари ўрнатилади. Мевали ва манзарали дарахтлар экилиб, ўриндиқлар ўрнатилади. Муҳими, хостел, музей ташкил этилади. Бу ерда 25 та савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи қурилиши ҳисобига 50 дан ортиқ янги иш ўрни очилади.

— Болалик хотираларимиз билан боғлиқ қадим масканда бошланган бунёдкорлик қалбимизга қувонч, шукроналик туйғусини олиб кирди, — дейди меҳнат фахрийси Муҳаммадрасул Кимсанбоев. — Сўлим масканга келиб зиёрат қилишни, дам олишни истайдиганлар кўп. Аммо қўлбола усулда қурилган уй-жой, савдо ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ноқулайлик туғдирарди. Энди ҳаммаси ўзгаряпти. “Маҳалла сервис” компанияси ташкил этилиб, замонавий кўриниш, қулайликлар мужассам бўлган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари қурилмоқда. Булар қадим масканга янгича кўрк, тароват бағишлади.

“Қоратепа” маҳалла фуқаролар йиғини Ёзёвон туманида аҳоли зич жойлашган ҳудудлар сирасига киради. Бироқ алмисоқдан қолган савдо дўконлари, таъмирталаб йўл ва бошқа инфратузилма тармоқлари кўҳна қишлоқ ҳаёт тарзидаги ўзига хос муаммолардан бири эди. Бу ерда “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” концепцияси доирасида қамраб олинган масалалар кенг ва ранг-баранглиги билан эътиборни тортади.

— Аҳолининг тадбиркорлик лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган “Тараққиёт ва етакчилик” масканига айлантириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилди, — дейди туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Акрамжон Эралиев. — Лойиҳада савдо, кичик ишлаб чиқариш объектлари, ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва микросаноат марказларини ташкил этиш имкониятлари ҳисобга олинган. Ундан кўзланган асосий мақсад — танланган маҳаллалар ва уларга қўшни ҳудудлар аҳолисини иш билан таъминлаш, камбағалликни камайтириш ва мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, тадбиркорликни ривожлантириш.

Бунёдкорлик ишлари тумандаги ҳар бир маҳалла, оила ҳаётида ўз аксини топмоқда. Ҳа, ислоҳотлар Ёзёвон каби олис туманлардаги маҳаллаларнинг ҳам ободлиги ва иқтисодий-ижтимоий юксалишига хизмат қилмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган. Жами сув миқдорининг 97 фоиздан ортиқроғи океанлардаги шўр сувдан иборат. Чучук сув эса атиги 3 фоиздан ҳам кам. Унинг 70 фоизга яқини қутблардаги музликларда жамланган. Ичишга яроқли сув манбаининг асосий қисми ер остида тўпланган. Ер юзасидаги очиқ чучук сув манбалари 1 фоиздан ҳам камроқ.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 12 апрель, 72-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Шарҳ

**Иқтисодий тараққиёт тарихига чуқурроқ назар ташласак, бир муҳим қонуният кўзга ташланади: саноат цивилизациясининг янги босқичлари аксарият ҳолларда кимё технологияларида юз берган туб ўзгаришлар билан боғлиқ. XIX асрда синтетик моддалар ва сунъий бўёқлар ишлаб чиқариш технологиялари пайдо бўлиши Европа саноат инқилобининг иккинчи босқичини тезлаштирган бўлса, XX асрда нефть-кимё саноатининг жадал ривожи пластмасса, полимер ва сунъий материаллар даврини бошлаб берди. XXI асрга келиб эса нанотехнологиялар, композит материаллар ва юқори функционал кимёвий бирикмалар ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлар бутун дунё иқтисодиётининг технологик манзарасини тубдан ўзгартирмоқда.**




# КИМЁ САНОАТИ: ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ СТРАТЕГИК ДРАЙВЕРИ

Дарҳақиқат, бугун кимё саноати оддий саноат тармоқларидан бири сифатида эмас, балки деярли барча соҳани бирлаштириб турувчи стратегик технологик асосда намоён бўлмоқда. Автомобилсозликдаги енгил ва мустаҳкам полимерлар, авиация саноатида қўлланаётган композит материаллар, фармацевтикадаги юқори самарали дори-дармонлар, агросаноат мажмуасида ишлатилаётган минерал ўғитлар ва биокимёвий воситалар — буларнинг барчаси кимё саноати тараққиётининг бевосита маҳсулидир. Шу боис, етакчи давлатлар кимё саноатини индустриал ривожланишнинг муҳим таянчи, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган стратегик драйвер сифатида кўрмоқда.

Ўзбекистон ҳам бу глобал тенденциялардан четда эмас. Мамлакатимизда саноатни модернизация қилиш, хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу маънода, яқинда давлатимиз раҳбарининг кимё саноатидаги йирик инвестиция лойиҳалари бўйича тақдимот билан танишиши ҳамда тармоқни “мақсад — ҳаракат — натижа” тамойили асосида янги стратегик режалаштириш тизимига ўтказиш зарурлигини таъкидлагани айни пайтда жуда муҳим сиёсий-иқтисодий сигнал сифатида қабул қилиниши лозим.

Мутахассис нуқтаи назаридан қараганда, бундай ёндашув тасодифий эмас. Чунки амалиёт шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда саноат тармоқларининг ривожланишига асосий тўсиқ ресурслар етишмаслиги эмас, балки аниқ стратегик мақсадлар, самарали бошқарув механизмлари ва замонавий менежмент тамойилларининг етарлича шаклланмаганидир. Шу боис, кимё саноатида стратегик режалаштириш, инвестиция лойиҳаларини тизимли бошқариш ва технологик модернизацияни уйғунлаштириш масаласи долзарб.

Шу нуқтаи назардан, мазкур тақдимотни мамлакат кимё саноати ривожида янги институционал босқични бошлаб берадиган муҳим қадам сифатида баҳолаш мумкин. Агар белгиланган вазифалар изчил амалга оширилса, кимё саноати нафақат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи, балки мамлакатимизнинг янги индустриал тараққиёт стратегиясидаги ҳал қилувчи драйверлардан бирига айланади. Зеро, саноатнинг мазкур йўналиши иқтисодий ўсиш суръатини таъминлаш баробарида қишлоқ хўжалиги, энергетика, қурилиш ва юқори технологияли ишлаб чиқариш соҳаларини хомашё ва тайёр маҳсулотлар билан таъминлашда ҳам ҳал қилувчи ўрин тутади.

Жорий йил учун белгиланган вазифалар ҳам айнан шу стратегик мақсадларни кўзда тутади. Хусусан, кимё саноати маҳсулотлари экспорти қийматини 720 миллион долларга, азотли ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1 миллион 120 минг тонна, фосфорли ўғитлар ишлаб чиқаришни 135 минг тонна, калийли ўғитлар ишлаб чиқаришни эса 222 минг тоннага етказиш вазифаси режалаштирилган.

Бир қарашда бу рақамлар оддий статистик кўрсаткичлардек туюлиши мумкин, аммо улар ортида чуқур иқтисодий мантиқ ва узоқ муддатли стратегик мақсадлар мужассам. Чунки минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми қишлоқ хўжалиги маҳсулдорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Аграр соҳада юқори ҳосилдорликни таъминлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни барқарор ошириш ва экспортбоп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушини кўпайтириш учун минерал ўғитлар билан таъминланганлик даражаси ҳал қилувчи омиллардан. Шу маънода, кимё саноати ривожи фақат саноат сиёсати доирасидаги вазифа эмас, балки мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлиги ва аграр барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган стратегик йўналишдир. Яна бир муҳим жиҳат: жорий йилда кимё саноатида 9,5 миллиард долларлик 133 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Ушбу лойиҳалар доирасида 2,5 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Бу эса тармоқни модернизация қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қаратилган кенг кўламли иқтисодий дастур амалга оширилаётганидан далолат беради.

Мазкур инвестиция лойиҳаларининг аҳамияти фақат ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш билан чекланиб қолмайди. Энг муҳими, улар тармоқнинг технологик тузилмасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилади. Чунки режалаштирилган лойиҳаларнинг катта қисми янги технологик линияларни жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш тармоқларини модернизация қилиш, шунингдек, юқори қўшилган қийматга эга замонавий кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга қаратилган. Бу эса, ўз навбатида, юртимиз кимё саноатини оддий хомашё ёки ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган тармоқдан инновацион ва технологик жиҳатдан ривожланган индустриал секторга айлантириш йўлида муҳим қадам бўлади.

Саноат муҳандислиги нуқтаи назаридан қараганда, йирик инвестиция лойиҳаларининг муваффақияти, аввало, учта муҳим омилга боғлиқ. Биринчиси, аниқ ва илмий асосланган технологик лойиҳалаш. Бу босқичда ишлаб чиқариш технологияси, қувватлар, ресурслар ва бозор талаблари пухта таҳлил қилиниши зарур. Иккинчиси, самарали таъминот занжири. Яъни хомашё, ускуналар, логистика ва хизмат кўрсатиш жабҳаси барқарор ва узлуксиз ишлаши таъминланиши керак. Учинчиси замонавий рақамли лойиҳа бошқаруви тизимларини жорий этишдир. Бу эса инвестиция жараёнини реал вақт режимида кузатиш, харажатларни назорат қилиш ва муддатларни аниқ режалаштириш имконини беради.






Агар ушбу омиллардан бири етарли даражада ишламаса, ҳатто катта молиявий ресурслар жалб этилган тақдирда ҳам кутилган натижага эришиш мушкул. Шу боис, кимё саноатидаги инвестиция лойиҳаларини самарали бошқариш, аниқ муддат ва иқтисодий самарадорлик асосида амалга ошириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан.

Кимё саноатининг барқарор ва рақобатбардош ривожи, аввало, илмий тадқиқотлар ва инновацион технологиялар билан узвий боғлиқ. Зеро, замонавий кимё саноати фақат ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан чекланмайди. У янги моддалар, илғор материаллар ва юқори технологияли маҳсулотларни яратишга қаратилган илмий изланишлар билан бирга ривожланади. Шу боис, бу тармоқда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик қанчалик мустаҳкам бўлса, саноатнинг инновацион салоҳияти ҳам шунчалик юқори бўлади.

Тақдимотда Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан ҳамкорликда кимё-технология инновация марказини ташкил этиш режаси маълум қилингани алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур марказ замонавий илмий инфратузилмани шакллантириш, янги технологияларни ишлаб чиқиш ва уларни саноатга жорий этиш бўйича муҳим платформага айланиши кутилмоқда. Энг муҳими, ушбу марказ фақат лаборатория тадқиқотлари билан чекланиб қолмай, илмий ғояларни амалиётга жорий этиш, яъни илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграцияни таъминлашга хизмат қилади.

Режага кўра, мазкур инновация маркази газ ва кўмир кимёси, катализаторлар ва сорбентлар, шунингдек, нано ва композит материаллар каби истиқболли йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришга ихтисослашади. Бу соҳалар эса бугун жаҳон кимё саноатида энг тез ривожланаётган ва юқори қўшилган қиймат яратиш имконини берадиган йўналишлардан.

Мутахассислар яхши билади: дунёдаги йирик кимё компаниялари ўз даромадининг ўртача 4-6 фоизини илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига сарфлайди. Бу рақам, аслида, бир муҳим ҳақиқатни кўрсатади: кимё саноатида инновациясиз рақобатбардошликни таъминлаш деярли имконсиз. Чунки янги материаллар, самарали катализаторлар, энергия тежамкор технологиялар ва экологик хавфсиз ишлаб чиқариш усуллари мунтазам илмий изланишлар натижасида яратилади.

Шу маънода, мамлакатимизда кимё-технология инновация марказининг ташкил этилиши нафақат илмий тадқиқотларни ривожлантириш, балки Ўзбекистон кимё саноатини инновацион асосда модернизация қилиш йўлидаги муҳим қадам бўлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизнинг минтақада илмий-технологик марказ сифатидаги мавқеини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Кимё саноатини замонавий асосда ривожлантиришда ишлаб чиқариш жараёнини рақамлаштириш ва бошқарув тизимларини такомиллаштириш масаласи ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Чунки бугун саноат самарадорлигини таъминлаш фақат янги қувватлар қуриш ёки технологик модернизация билан чекланиб қолмайди. У, аввало, ишлаб чиқариш, молия, логистика ва таъминот жараёнини ягона рақамли бошқарув тизими асосида мувофиқлаштиришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан, “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тизимида ERP (Enterprise Resource Planning) платформасининг жорий этилиши муҳим институционал қадам сифатида баҳоланмоқда. Ушбу тизим доирасида 16 та ахборот тизими ягона рақамли платформага бирлаштирилган. Бу эса тармоқ корхоналари фаолиятини комплекс бошқариш, ресурслардан самарали фойдаланиш ва қарор қабул қилиш жараёнини тизимли равишда мувофиқлаштириш имконини беради.

Рақамли трансформация жараёни бу билан чекланиб қолмайди. Яқин келажакда тармоқ фаолиятининг муҳим йўналишларида сунъий интеллект технологияларини жорий этиш режалаштирилмоқда. Хусусан, минерал ўғитларга талабни илмий асосда прогнозлаш, молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, таъминот занжирини бошқариш каби мураккаб жараёнларда сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш кўзда тутилган.

Бундай ёндашув саноат бошқарувини мутлақо янги босқичга олиб чиқади. Чунки замонавий рақамли технологиялар ёрдамида катта ҳажмдаги маълумотларни тезкор таҳлил қилиш, бозор конъюнктурасидаги ўзгаришларни прогнозлаш ва стратегик қарорларни илмий асосда қабул қилиш имконияти пайдо бўлади. Бу эса саноат бошқарувида data-driven management, яъни маълумотларга асосланган қарор қабул қилиш тамойилини шакллантиришга хизмат қилади.

Кимё саноати ривожига бағишланган мазкур тақдимотни таҳлил қилар эканмиз, бир муҳим хулосага келиш мумкин: Ўзбекистон саноатида янги индустриал босқич шаклланиш арафасида турибди. Бу босқичнинг моҳияти шундаки, мамлакатимиз иқтисодиёти табиий ресурсларни оддий хомашё сифатида экспорт қилиш моделидан босқичма-босқич воз кечиб, уларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори қўшилган қиймат яратишга асосланган замонавий индустриал иқтисодиётга ўтмоқда.

Кимё саноатидаги бу ўзгаришлар фақат янги завод ва ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш билан чекланмаслиги керак. У, энг аввало, илм-фан, муҳандислик тафаккури ва инновацион ёндашувларга таянган янги саноат маданиятини шакллантиришни талаб қилади. Чунки замонавий саноат тараққиётининг асосий манбаи — технологиялар, билим ва инсон капитали.

Агар мамлакатимизда инвестиция, илм-фан, технология ва кадрлар салоҳияти ўзаро уйғун ривожланса, кимё саноати миллий иқтисодиётнинг муҳим тармоғи бўлиш баробарида Ўзбекистоннинг янги индустриал тараққиётини белгилаб берувчи асосий драйверлардан бирига айланади.

Шунда Ўзбекистон нафақат Марказий Осиёда, балки Евроосиё маконида ҳам замонавий кимё саноати ва инновацион технологиялар ривожланган йирик индустриал марказлардан бири сифатида мустаҳкам ўрин эгаллаши шубҳасиз.

**Шерзод ЖАЛИЛОВ,**
**иқтисодиёт фанлари доктори,**
**профессор**

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Сув ва ҳаёт

# ТАБИАТ МУАММОЛАРГА ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИ КЕЧИРМАЙДИ

**Сув ва ҳаёт мазмун-моҳиятан олганда битта тушунчани англатади. У барча тирик мавжудотнинг яшаши, умр кўриши учун зарур энг биринчи даражали манба. Ер сайёрасида ҳаётнинг пайдо бўлишида ҳам бош омил сув бўлганини яхши биламиз.**

Бугун ана шу тириклик манбаи захираси тугаб бораётгани ўта ташвишли ва хавотирли муаммога айланган. Буни фақат ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда келтирилаётган факт ва рақамлар орқалигина эмас, балки кундалик турмушда, йил сайин чўлланиш, қурғоқчилик кучайиб бораётган муҳитда яшаб, кўриб, ўз ҳаётимизда ҳис этиб турибмиз. Хуллас, тириклик манбаининг ўзи бугун хавф остида.

Ер юзининг 71 фоизи сув билан қопланган. Жами сув миқдорининг 97 фоиздан ортиқроғи океанлардаги шўр сувдан иборат. Чучук сув эса атиги 3 фоиздан ҳам кам. Унинг 70 фоизга яқини қутблардаги музликларда жамланган. Ичишга яроқли сув манбаининг асосий қисми ер остида тўпланган. Ер юзасидаги очиқ чучук сув манбалари 1 фоиздан ҳам камроқ.

“Экология” миллий ахборот агентлиги (NIA-ECO) тадқиқот натижаларида қайд этилишича, чучук сув йўқотилишининг 68 фоизи ер ости манбаларига, 18 фоизи ер усти сувларига, 5 фоизи қор захиралари камайишига тўғри келаётир. Глобал исишнинг йил сайин кучайиб бораётгани барча сув манбалари — ер ости ва ер усти сувлари, ҳатто “абадий”лик мақомини йўқотаётган қутб музликларининг юқори суръатда камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

## Сабаблар

Саноатнинг ривожланиши, атмосферага тўхтовсиз ва ҳаддан зиёд миқдорда иссиқхона газлари чиқарилаётгани иқлим ўзгаришини келтириб чиқарди. Бу эса, ўз навбатида, барча соҳалар, айниқса, қишлоқ хўжалиги, саноатда сув истеъмолини кучайтирган. Айни пайтда дунё аҳолиси сони 8 миллиард 250 миллиондан ошиб кетган.



Сув ресурсларининг камайиши табиий равишда ҳосилдорлик тушиб кетиши, озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг ошиши ҳамда тақчилликка сабаб бўлади. Хуллас, эътибор берилса, булар барчаси ўзаро боғлиқ масалалар. Бунинг устига сувдан самарасиз фойдаланиш, ер ости ва ер усти ресурсларининг инсон омили томонидан ифлосланиши муаммони баттар чуқурлаштирмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, оилада бир киши ҳар куни юз-қўл ювишга ўртача 8 литр, жўмракни очиб қўйиб тиш тозалашга 6-8 литр, ювинишга бир дақиқада 15-20 литр, ваннада чўмилишга 150 литр сув сарфлайди. Энди рақамларни оила аъзолари сонига, ундан сўнг 365 кунга кўпайтириб кўринг. Юртимиздаги хонадонлар ва аҳоли сонини ҳам эсдан чиқарманг. Ана шунда гўё арзимасдек кўринган муаммо қай даражада улкан хавотирни, аниқроғи, сув исрофгарчилигини келтириб чиқараётганини тасаввур этиш қийин эмас.

## Қандай чора-тадбирлар кўрилаётир?

Дунё ҳамжамияти сувни асраб-авайлаш учун технологик, инфратузилмавий ва бошқарув чоралари ёрдамида курашмоқда. Жумладан, гидротехник иншоотлар ва томчилатиб суғориш қурилмалари татбиқ этиляпти, қишлоқ хўжалигида сувдан самарали фойдаланишнинг илғор усуллари кенг кўламда жорий этилмоқда. Сув ресурсларини маҳаллий ва халқаро миқёсда бошқариш сифатини оширишга ҳаракат қилиняпти. Энг муҳими, кун тартибига чиққан бу “қайноқ” масалани бир мамлакат ёки бир минтақа доирасида ҳал қилиб бўлмаслигини ҳамма англаб, давлатлар ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда кутилган мақсадга эришиш мумкин деган мантиқ билан ҳаракатланаётир.

## Ташаббус ва халқаро эътироф

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида сув хавфсизлиги масаласини стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаб, 2026-2036 йилларни “Марказий Осиёда сувдан оқилона фойдаланиш бўйича амалий ҳаракатлар ўн йиллиги” деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди. Бу эзгу ташаббусга ҳамоҳанг тарзда бўлиб ўтган конференцияда Ўзбекистоннинг янги Сув кодекси тақдим этилди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда мамлакатимизда сувдан оқилона фойдаланиш, соҳани тартибга солиш, муҳофаза қилиш, ер усти ва ер ости сувларини ўзаро боғлиқ ҳолда бошқаришга оид масалалар мажмуавий ҳолатда ёритиб берилган. Бу ҳужжатни чет эллик экспертлар “тарихий қадам” сифатида баҳолагани ҳам ОАВ ва ижтимоий тармоқларда қайд этилди.

Одатда масъуллар ҳисоботига кўра, тажрибали экспертлар баҳоси холисроқдир. Шу маънода, тадбирда иштирок этган ҳамкор мутахассис — Осиё тараққиёт банкининг Лойиҳаларни бошқариш бўлими раҳбари Жануар Лауде фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик. У Марказий Осиёда сув танқислиги муаммосига стратегик ёндашув, етакчилик ва ҳамкорлик зарурлигини айтиб, бундай деди:

— Осиё тараққиёт банки Ўзбекистон ҳукумати ва Сув хўжалиги вазирлиги билан сув секторини замонавий, самарали ва иқлимга чидамли тизимга айлантириш йўлида узоқ йиллик лойиҳалар ва дастурларда, жумладан, янги Сув кодексини тайёрлашда фаол иштирок этди. Ушбу ҳужжатлар сув ресурсларини интеграциялашган бошқариш, шаффоф тақсимот, рақамлаштириш ва барқарорлик принциплари асосида тизимни тубдан янгилашга замин яратди. Янги кодекс институционал ваколатларни аниқ белгилаб, сув фойдаланувчилари иштирокини кенгайтирди ва экологик ҳамда иқтисодий тамойилларни бошқарувга интеграция қилди. ОТБ келгусида ҳам вазирлик билан яқин ҳамкорликни давом эттириб, 2050 йилгача мўлжалланган сув секторини ривожлантириш стратегияси ва миллий сув хавфсизлиги дастурини ишлаб чиқишда амалий ёрдам беради. Ўзбекистон ҳукумати етакчилиги ва олиб бораётган ислоҳотларини юқори баҳолаймиз. ОТБ эса бу борадаги ташаббусларни қўллаб-қувватлайди.

Сув танқислиги муаммоси айрим мамлакатлар эмас, бутун дунё аҳолисига хавф солаётгани аниқ-равшан кўриниб қолди. Бу мавзуда гапирганда баъзи кўллар қуриб қолаётгани, айримлари қурғоқчилик ва ифлосланиш хавфи остида экани ҳақида ташвишли маълумотга тез-тез кўзимиз тушади. Дунё бўйича бундай ўнгланмас ҳолатга тушган жами ирмоқлар, анҳору булоқларни ҳисоблаб чиқиш мушкул эканини таъкидламоқда мутахассислар.

Албатта, дунё ҳамжамияти бундай салбий ўзгаришларнинг олдини олиш учун биргаликда турли лойиҳаларни амалга оширишга киришган. Табиатни асраш, муҳофаза қилиш борасида турли даражада имкониятга эга мамлакатлар тобора жипслашаётир. Мавжуд технология ва илм-фан ютуқлари, илмий тадқиқот хулосалари ушбу муаммони ҳал этишга йўналтирилаётгани ҳам кўнгилга қисман таскин беради. Аммо бу масалани барчамизнинг бурчимиз сифатида қабул қилар эканмиз, уни кейинги авлодларга қай даражада етказиб бера оляпмиз деган савол туғилади. Ахир сув билан боғлиқ юксак қадриятлар ва қарашларимиз сусайиб кетганини ҳам тан олиш керак. Келажакда шундай давом этаверса, яна қандай оғир муаммоларга дуч келамиз? Табиат эса бу муаммоларга эътиборсизликни кечирмайди.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Сўнгги йилларда жаҳондаги етакчи космик агентликлари ердаги глобал ҳаётга хавф солувчи астероидларнинг Ер билан тўқнашишини узил-кесил ҳал қилишнинг энг самарали йўли сифатида хавфли объектларнинг орбитаси ва тўқнашиш траекториясини ўзгартириш устида изланишлар олиб бормоқда.**

Илмий-тадқиқот муассасаларида





# БИЗ КОИНОТДА ЁЛҒИЗМИЗМИ?

## Юртимизда астрономия ва космонавтика янгиликлари

**Инсоният узоқ йиллардан буён коинот сирларини тадқиқ этишга интилиб келади. Юлдузлар, сайёралар, астероидлар ва шунга ўхшаш само жисмларидан иборат улкан майдон ҳамиша одамларни ҳайратга солган. Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтида сайёралар, кометалар, юлдузлар, галактикалар каби осмон жисмларини ўрганиш билан бирга халқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари учун амалий тадқиқотлар ҳам ўтказилади. Аҳолини аниқ вақтдан хабардор қилиш, географик координаталарни аниқлаш ва ўзгаришини текшириш, Ернинг сунъий йўлдошларини кузатиш ва ҳатто гравиметрик кузатувлар асосида қазилма бойликларни топиш шулар жумласидан.**



**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, Астрономия институти раҳбари Шуҳрат ЭГАМБЕРДИЕВ** билан суҳбатимиз мамлакатимизда биринчи космонавтнинг учирилиши, космик тадқиқотлар ўтказиш жараёнидаги янгиликлар ҳамда астрономия соҳасига оид бошқа масалалар хусусида бўлди.

**— Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига навбатдаги Мурожаатномасида мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтини фазога учириш бўйича саъй-ҳаракатлар бошлангани маълум қилинди. Бу ишларда сиз раҳбарлик қилаётган илмий институтнинг ҳиссаси қандай бўлади?**

— Жаҳон космос агентликлари, НАСА ва Роскосмос космос технологияларини ривожлантириш, алоқа ва Ерни кузатиш учун сунъий йўлдошларни учириш ҳамда халқаро космик станцияга фазогирларни юбориш вазифаларини бажаради. "Ўзбеккосмос" агентлиги космик фаолиятни ривожлантириш, космик тадқиқотлар ва замонавий космик технологияларни жорий этиш бўйича ваколатли давлат органидир. Космик тадқиқотлар, сунъий йўлдош технологиялари, ерни масофадан зондлаш, космик мониторинг ҳамда геоахборот технологияларини ривожлантириш агентлик фаолиятининг асосий йўналишларидан. Бу борада агентлик томонидан сезиларли ишлар бажариляпти. Навбатдаги вазифа — ўзбекистонлик фазогирнинг космосга учирилиши, космосда бажариб келадиган тажрибаларнинг илмий аҳамиятидан қатъи назар, юртимиз нуфузининг халқаро миқёсда кескин ошишига ҳисса қўшиши шубҳасиз. Сунъий йўлдошга келсак, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиёти тармоқларини ривожлантириш ва янги босқичга кўтаришга хизмат қилиши керак. Алоқа, қишлоқ хўжалиги, жумладан, пахта ва буғдой етиштириш жараёни, муҳим иншоотларнинг ҳолатини мониторинг қилиб бориш каби йўналишларда қўл келади.

Астрономия институтининг Космик геодезия ва геодинамика лабораторияси олимлари географик координаталар ўзгариши, Ернинг нотекис айланиши ва унга таъсир этувчи омиллар (зилзила, қуруқлик гидрологияси, Ой ва Қуёшнинг гравитацион таъсири, Ернинг ички динамикаси, музликлар мониторинги ва ҳоказо)ни очиқ маълумот базаларидан олинган космотасвирлар таҳлилига асосланган усуллар ёрдамида ўрганади.

Миллий сунъий йўлдошни учириш бизга мустақил ва мунтазам маълумот оқимини беради. Бу деформация ва хавфли зоналарни тез-тез кузатиш (қайта-қайта ўлчаш), маълумотлар ташқи манбаларига камроқ боғлиқ бўлиш ва энг муҳими, ўз мутахассисларимизни тайёрлаш орқали илмий тадқиқот салоҳиятини ошириш имконини яратади.



Кўпинча биз — астрономлардан "Фаолиятингизнинг бугун нечоғлиқ фойдаси ёки аҳамияти бор?" деб сўрашади. Автомобилда юрганимизда навигатордан фойдаланамиз. "Навигатор биз қайси кўчадан кетаётганимизни, қайси чорраҳани кесиб ўтаётганимизни қаердан билади?" деган саволлар билан ҳам юзма-юз келамиз. Кўпчилик "Бу маълумот компьютерга киритилган!" деб жавоб беради. Тўғри, биз кетаётган шаҳарнинг харитаси компьютер (уяли телефонимиз у билан боғлана олади) хотирасида бўлади. Лекин бизнинг жойимизни билиш учун сайёрамиз атрофида учиб юрган сунъий йўлдошнинг орбиталари бир неча сантиметр аниқликда ўлчанган бўлиши керак. Бунинг учун GPS, ГЛОНАСС каби космик навигация тизимларининг Ер юзасидаги таянч станциялари бўлиши лозим. Ўзбекистон ҳудудида ана шундай таянч станциялар Астрономия институтининг Тошкент ва Китоб шаҳридаги масканларида ўрнатилган ва институт ходимлари томонидан узлуксиз ишлатилади. Борди-ю, улар ишламай қолса, такси хизмати сизни аниқ манзилингизга етказолмай қолади.

**— Яқинда оммавий ахборот воситаларида Астрономия институти олимлари НАСА мукофоти билан тақдирлангани ҳақида хабарлар кенг тарқалди. Шу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.**

— Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институти олимлари — Отабек Бурҳонов ва Камолиддин Эргашев НАСАнинг "Group Achievement Award" мукофоти билан тақдирлангани ҳақида хушхабар олдик. Бу мукофот бирор муҳим космик лойиҳа халқаро астрономлар гуруҳи томонидан муваффақиятли амалга оширилгандан сўнг жамоа аъзоларига берилади ва у муваффақиятга ҳисса қўшган астрономлар фаолиятининг юксак эътирофидир.

Энди бу лойиҳанинг тафсилотлари ҳақида тўхталсак. Ҳозир Қуёш тизимида 40 мингга яқин астероид (ўлчами бир неча километрдан бир неча метргача бўлган тош жисмлар) сайёрамизга яқин орбиталарда ҳаракатланади ва Ерга яқинлашувчи астероидлар гуруҳини ташкил этади. Улар орасида 2500 дан ортиғининг тўқнашиш эҳтимоли катта ва улар потенциал хавфли астероидлар сифатида таснифланади.

Тўқнашув содир бўлганда астероидларнинг таъсири регионал талафотдан глобал фалокатгача олиб келиши мумкинлиги туфайли уларни мониторинг қилиш ва хавф туғилганда одамларни кўчириш каби чораларни кўриш долзарб аҳамиятга эга. Шу сабабли ҳам дунё бўйлаб бир қанча мамлакатлар ва марказларда муайян ташкилот ҳамда махсус тадқиқот гуруҳлари ташкил этилган.

Бу жабҳадаги фаолиятда Япония аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги (JAXA)нинг Ҳаябуса миссиялари ҳам алоҳида эътирофга сазовор. Ушбу миссиялар Ерга яқин астероидларга космик аппаратлар учириш ва астероид моддасидан намуна олиб келиш каби мураккаб илмий технологик лойиҳадир. Мазкур миссияларнинг ердаги телескоплар орқали оптик кузатиш билан боғлиқ тадқиқотларида Ўзбекистон Астрономия институтининг илмий жамоаси Майданак баланд тоғ обсерваторияси телескоплари ёрдамида қатнашган, жамоанинг космик миссиядаги фаолияти Япония аэрокосмик тадқиқотлар агентлиги томонидан алоҳида эътироф этилган ва икки марта махсус ташаккурнома берилган. Бундан ташқари, Қуёш тизимида кашф этилган астероидлардан бирига япониялик астроном ҳамкорлар таклифи билан Гарварддаги кичик сайёралар маркази томонидан "Майданак" номининг берилиши ҳам бу эътирофнинг алоҳида тасдиғидир.

Сўнгги йилларда жаҳондаги етакчи космик агентликлари ердаги глобал ҳаётга хавф солувчи астероидларнинг Ер билан тўқнашишини узил-кесил ҳал қилишнинг энг самарали йўли сифатида хавфли объектларнинг орбитаси ва тўқнашиш траекториясини ўзгартириш устида изланишлар олиб бормоқда. Бугун хавфли астероидлар орбитасини ўзгартириш ёки уларни портлатиб сочиб юбориш билан боғлиқ қатор таклифлар ишлаб чиқилган бўлса-да, технологик жиҳатдан бу жуда мураккаб масала. Шундай йўналишдаги тадбирлардан бири зарба бериш орқали астероиднинг орбитасини ўзгартиришдир. Сайёравий мудофаа мақсадларида астероидга зарба бериш тажрибаси илк марта 2022 йил сентябрда ўтказилди. Бунда НАСАнинг DART космик кемаси Дидимос номли астероиднинг Диморфос деб аталадиган йўлдоши билан тўқнаштирилди. Тажрибадан мақсад зарба бериш усули орқали астероид орбитасининг ўзгаришини аниқлаш ва келажакда бундай тажрибани бошқа астероидлар хавфини бартараф этишда қўллаш эди. Космик кема астероиднинг ўзи билан эмас, балки унинг йўлдоши билан тўқнаштирилишидан мақсад эса астероид йўлдошнинг кичик орбитасидаги ўзгаришларни ердан туриб аниқлаш осонлигидир. Бундан ташқари, зарба таъсири қандай бўлиши олдиндан номаълумлиги сабабли буни тўғридан тўғри хавфли астероиднинг ўзида қўллаш номақбул бўлар ва бу ҳатто тескари эффект бериши ҳам мумкин эди.



2022 йил 26 сентябрда DART космик кемаси Диморфос билан тўқнаштирилди. Натижада унинг орбитал даври 33 дақиқага қисқарди. Тўқнашувдан олдин Диморфоснинг Дидимос атрофидаги айланиш даври 11 соат 55 дақиқага тенг эди. Бу фазо эксперименти сайёравий мудофаа мақсадларида астероидларга зарба бериш усулининг самарадорлигини исботлади. Тўқнашув натижаларини қайд этиш ва ўзгаришларни аниқлаш учун бутун дунёдаги обсерваториялар бирлашган ҳолда катта кузатув компаниясини ташкил қилди. Кузатув компаниясида Ўзбекистон Фанлар академияси Астрономия институтининг илмий жамоаси Майданак обсерваторияси телескоплари билан иштирок этди ва салмоқли кузатув маълумотларини тақдим қилди.

Бу инсоният тарихида биринчи марта сунъий равишда астероид орбитасини ўзгартириш мумкинлигининг исботи бўлди. Илк тажриба муваффақиятли якунланди.

**— Бугун ўзбек астрономиясидаги энг муҳим янгиликлар ҳақида тўхталсангиз. Уларнинг дунё илм-фанидаги аҳамияти қай даражада?**

— Астрономия институтининг барча астрономик кузатувлари Майданак обсерваториясида бажарилади. Қашқадарё вилояти Қамаши туманида — денгиз сатҳидан 2700 метр баландликда жойлашган Майданак осмон жисмларини кузатиш шароити бўйича жаҳондаги нуфузли обсерваториялардан. Улкан Евроосиё минтақаси жойлашган Ер шарининг шарқий яримшарида астроиқлими бўйича унга тенг келадиган жой йўқ!

Шунинг учун Майданак обсерваторияси кўплаб нуфузли халқаро астрономик кузатувларни талаб этадиган дастурлар аъзосидир. Бунинг яна бир сабаби у жуда қулай географик ҳудудда жойлашганидадир. Масалан, биз Майданакда бирор-бир осмон жисмини кузатаётганимизда, Ернинг қарама-қарши томонида — Америка қитъасида кундуз, Хитойда тонг ота бошлаган, Европада эса ҳали кеч кирмаган бўлади. Шунинг учун бу расадхона энг қулай жой. Яъни Майданак тунида кузатув олиб борилганда Ер шарининг бошқа ҳудудларида бунинг имкони бўлмайди. Шунинг учун халқаро дастурларда Майданакнинг бўлиши муҳим аҳамият касб этади.



Сўнгги йилларда олимларимиз бир нечта катта кашфиётларга қўл урди. Булар орасида "Самарқанд" ва "Майданак" кичик сайёра астероидларининг очилиши, Катта айиқ юлдуз туркумида ўта янги юлдуз чақнашининг кашф этилиши, коинотда гамма нурларда чақнаган ва космик аппаратларда қайд этилган юзлаб жараённинг оптикада Майданакдан туриб аниқ кузатилиши эътиборга молик. Осмоннинг Тошкент ва Китоб обсерваторияларида олинган фототасвирларини рақамлаштириш натижасида 13,5 миллион юлдуздан иборат каталог эълон қилинди.

Қадимда, ҳатто астрономия гуркираб ривожланган ўрта асрларда ҳам коинот деганда қуёш ва сайёралар тушунилар эди. Ҳозир биз осмоннинг бу қисмини Қуёш тизими деймиз. Қуёш тизимида ёруғлик секундига 300 минг километр тезликда ҳаракат қилиб, бир чеккасидан иккинчисига юз йилда етиб боради. Замонавий телескоплар ёрдамида астрономлар бир неча миллиард ёруғлик йили масофасида жойлашган объектларни кузатишга қодир. Майданак обсерваториясининг ўта шаффоф ва сокин атмосфера шароитида биз ҳам ўта олис осмон жисмларини кузатиш имконига эгамиз. Жумладан, коинотнинг энг олис объектлари — квазарлар. Улар энди шаклланган ёш галактикаларнинг ядросидир. Бу объектларни астрономлар тилида "ёш, энди шаклланган" объектлар дейиш бир қараганда ноўрин туюлиши мумкин. Чунки уларнинг нурланиши биз томон бир неча миллиард йил аввал йўл олган, яъни биз квазарларни бир неча миллиард йил аввалги ҳолатини кўриб турибмиз! Бундай ақл бовар қилмас масофалардаги объектларнинг кўпини кузатиб бўлмайди. Тасвирда квазар оддий юлдузга ўхшаб кўринади (айнан шунинг учун астрономлар уларни "квазар" яъни "юлдузсимон" деб номлаган). Баъзи ҳолларда квазар билан бизнинг орамизга биронта галактика тушиб қолса, у линза сингари квазар нурланишини кучайтириб беради. Одатда йўлдаги галактика квазар тасвирини кучайтириб, бир нечта ёрқинроқ нуқтага айлантиради. Бу ҳодиса гравитацион линзалаш дейилади. Яқинда астрономлар ғайриоддий гравитацион линзани кашф этди. У J1721+8842 номи билан қайд этилди. Лекин у бир эмас, икки гуруҳ нуқталардан иборат эди. Бу ҳодиса сири Майданакда олинган юқори сифатли тасвирларни таҳлил қилиш жараёнида аниқланди. Маълум бўлишича, J1721+8842 квазарнинг йўлида бир эмас, иккита галактика тўғри келиб қолган экан. Бу астрономияда илк бор кузатилган ҳолат.

> **Юлдузлар атрофидаги сайёраларда ҳам онгли мавжудотлар яшаш эҳтимоли бор. Бизга энг яқин юлдуз 4,24 ёруғлик йили масофасида жойлашган. Демак, ҳозирги техника ёрдамида экзосайёраларга парвоз қилишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ!**

**— Март — астрономик ҳодисаларга бой ой. Бу ойда баҳорги тенг кунлик рўй беради. Қолаверса, буюк астроном Мирзо Улуғбекнинг таваллуд куни ҳам айнан 22 март кунига тўғри келишида ҳам рамзий маъно бордек...**

— Кўплаб қадимги маданиятларда баҳорги тенгкунлик — Наврўз табиий равишда янги баҳор бошланиши сифатида қабул қилинган. Шу вақтдан бошлаб қуёш осмонда тобора баланд кўтарила бошлайди, кунлар тез узаяди ва табиат қишки сокинликдан уйғонади. Шунинг учун ҳам тенгкунлик қишлоқ хўжалиги ишларининг бошланиши билан чамбарчас боғлиқ ва у экиш мавсумини бошлаш учун қулай ва аниқ вақт белгиси бўлиб хизмат қилган. Аграр жамиятларда қуёш ҳаракатини кузатиш орқали тақвим табиат ритми билан мувофиқлаштирилган. Шу тариқа тупроқни экинга тайёрлаш ва уруғ экиш ишларини ўз вақтида бошлаш мумкин бўлган. Бу эса келгуси ҳосил ва жамоа фаровонлиги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди. Шунинг учун Наврўз қадимдан энг муҳим байрамлардан бири сифатида кенг нишонланган.

Мирзо Улуғбек 1394 йили Наврўзнинг биринчи куни — 22 мартда туғилган. У XV асрнинг буюк олими ва давлат арбоби, астроном, математик ва доно ҳукмдор сифатларини уйғунлаштирган шахс эди. Марказий Осиёнинг буюк мусулмон олимлари анъанасини давом эттириб, Самарқандда ўша даврнинг энг йирик обсерваторияларидан бирини барпо этган ва у ерда машҳур юлдузлар жадвали ва "Зижи Кўрагоний"ни тузган. Астрономия соҳасидаги ишлари, хусусан, юлдузлар ва сайёраларнинг аниқ координатларини ўлчаши жаҳон астрономия фани тараққиётига катта таъсир кўрсатган. Унинг мероси Ислом цивилизацияси маркази экспозицияларида кенг аксини топган.

Шу ўринда Ислом цивилизацияси маркази ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш керак. Бугун дунёда исломга нисбатан асоссиз ва адолатсиз танқидлар кучайиб бораётган бир пайтда унинг ҳақиқий инсонпарвар ва гуманистик қадриятлари, тинчлик, меҳр-шафқат ва билим излашга ундовчи моҳиятини янада кенг тарғиб этиш жуда муҳим. Чунки ислом инсоният цивилизацияси тараққиётида турли даврларда муҳим ва прогрессив ўрин тутган. Илк мусулмон жамиятида илм-фан, таълим, адолат ва инсон қадр-қимматига алоҳида эътибор берилган. Ана шу маданий муҳитда аниқ фанлар, астрономия, тиббиёт ва фалсафа жадал ривожланган. Шу маънода, исломнинг замонавий дунёдаги ўрнини чуқурроқ ва адолатлироқ тушунишда Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган Ислом цивилизацияси марказининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур.

Марказнинг Рамазон ҳайити ҳамда Наврўз байрами арафасида очилгани чуқур рамзий маънога эга. Бу йирик илмий-маърифий мажмуа Марказий Осиё тарихига боғлиқ бой ислом маданияти ва илмий меросини ўрганиш ҳамда оммалаштиришга қаратилган. Экспозиция ва илмий дастурларда Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний ва Мирзо Улуғбек каби буюк боболаримизнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилган. Уларнинг тадқиқотлари, жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси кенг ёритилган.

**— Инсоният коинот сирларини чуқурроқ англаб борар экан, ўзига ўзи доим "Биз коинотда ёлғизмизми?" деган саволни берган. Лекин бу саволга ҳали-ҳануз жавоб топилгани йўқ, шундай эмасми?**

— Қуёш системасидаги сайёраларни космик аппаратлар ёрдамида ўрганиш натижалари ҳам бу саволга жўяли жавобни тақдим эта олмади. Марсда ҳаёт изи топилмади, Венера ва Меркурий юзаси эса ҳаёт мавжуд бўлиши учун жуда ҳам иссиқлик қилади. Юпитер каби гигант сайёраларда кимёвий таркибига кўра ҳаёт бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун биз Қуёш системасида яккаю ягонамиз дейишимиз мумкин.

Астрономлар Қуёшнинг коинотда ноёб юлдуз эмаслиги, унга ўхшаш юлдузлар сон-саноқсиз эканини аллақачон аниқлаган. Шундай экан, бу юлдузлар атрофида ҳам Ерга ўхшаш сайёралар ҳаракатланиши, уларда онгли ҳаёт ривожланиши учун биздагидек шарт-шароит бўлиши мумкин. Бошқа юлдузлар атрофида ҳаракатланувчи бундай сайёраларга экзосайёралар дейилади. Яъни оддий қилиб айтганда, экзосайёра Қуёш тизимидан ташқаридаги сайёра дегани.

Биринчи экзосайёрани 1995 йили Женева обсерваторияси астрономлари Мишель Майор ва Дидье Квелоц кашф этган. Бу кашфиёти учун улар 2019 йили Нобель мукофоти билан тақдирланди. Ҳозир бундай сайёралар такомиллаштирилган усуллар ёрдамида топиляпти. НАСА ахборотига кўра, 2025 йил декабрга келиб, галактикамиз — Сомон йўли атрофида 7500 экзосайёра мавжудлиги тасдиқланди. Улар сафига қўшилиш учун номзодлар сони эса бундан анча кўп, тахминан 15 мингта.

Олимларнинг ҳисоб-китобига кўра, Сомон йўли галактикасидаги экзосайёраларнинг умумий сони камида 100 миллиард экани тахмин қилинмоқда. Уларнинг 5 дан 20 миллиардгачаси Ерга ўхшаш, шунингдек, галактикамизда яшаш учун яроқли бўлган экзосайёраларнинг умумий сони 300 миллионга яқин бўлиши мумкин.

Шундай экан, бошқа юлдузлар атрофидаги сайёраларда ҳам онгли мавжудотлар яшаш эҳтимоли бор. Бизга энг яқин юлдуз 4,24 ёруғлик йили масофасида жойлашган. Демак, ҳозирги техника ёрдамида экзосайёраларга парвоз қилишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ!

Энди номаълум учар объектлар ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб ўтмоқчиман. Номаълум учар объектлар кузатилгани аксарият ҳолларда атмосферамиздаги ҳодисалар, ҳарбий амалиётлар ва космик аппаратларнинг техник носозликлари, метеорологик зондларнинг учирилиши билан изоҳланади. Аммо Ердан ташқарида ҳам ҳаёт мавжудлигини тўлиқ истисно қилиш керак эмас. Шу билан бирга, Ерга келган ўзга сайёрадаги ақлли ҳаётнинг тўғридан тўғри далиллари ҳозирча йўқ. Шу боис, уларнинг ақлли ҳаёт кўриниши сифатида мавжудлиги эҳтимоли ҳозирча гипотетик, аммо илмий жиҳатдан асосли ва кейинги тадқиқотлар учун қизиқарли.

**"Янги Ўзбекистон" мухбири Рисолат МАДИЕВА суҳбатлашди.**

**Солиқни соғлом одамлар тўлайди. Ватан, сени севаман, сенга жоним фидо деб айтиш учун маънавий ҳаққи бор одамлар тўлайди солиқни. Уни тўлаш қаҳрамонлик ёки олижаноблик эмас, балки бурч.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 12 апрель, 72-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official

Бугуннинг гапи



# СОЛИҚ ТЎЛАШ – ВИЖДОН ИШИ

**Шу кунларда ижтимоий тармоқларда, телеканалларда қизғин баҳсларга сабаб бўлаётган солиқ тўлаш ҳақидаги шов-шувлардан ҳали жамиятимизда солиқ тушунчасининг маъно ва мақсадларини англаб етмайдиганлар борлиги аён бўлди.**



**Зулфия МЎМИНОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзоси**

Солиқлар нимага сарфланишини тўлақонли билганимизда эди, барчамиз ўз ташаббусимиз билан тўлаган бўлардик. Тўламайман, менга енгиллик, имтиёз берринглар демасдик. Аксинча, нима учун солиқ тўламаяпман, бошқалардан кам жойим борми, майиб-мажруҳманми дея жар солардик. Солиқ тўлай олиш лаёқатини бергани учун Яратганга шукр айтиб, ичичимиздан қувонардик, ғурурланардик.

Солиқни соғлом одамлар тўлайди. Ватан, сени севаман, сенга жоним фидо деб айтиш учун маънавий ҳаққи бор одамлар тўлайди солиқни. Уни тўлаш қаҳрамонлик ёки олижаноблик эмас, балки бурч.

Хўш, солиқ нима ўзи? Солиқ давлат фаолиятини таъминлаш, мактаблар, шифохоналар, йўллар ва бошқа ижтимоий инфратузилмаларни молиялаштириш ва иқтисодиётни бошқариш учун жисмоний ҳамда юридик шахслардан мажбурий, қайтарилмайдиган тартибда ундириладиган пул маблағи. У бюджетни шакллантиради ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлайди.

Ватан қудрати, аввало, илмли, маърифатли фуқароларга боғлиқ. Худди коинотни қуёшсиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, жамиятни мактабсиз, ўқитувчисиз, билимсиз тасаввур қилиш қийин. Илму маърифат, маънавият эса мактабгача таълим ташкилотларида, мактабларда, олий ўқув юртларида берилади. Инсон орзу қилиши, олдига марралар қўйиши, мақсадлар сари интилиши учун, аввало, соғлом бўлиши керак. Бунинг учун мамлакатда туғуруқхоналар, шифохоналар, поликлиникалар қурилиши, бу кутлуғ даргоҳларда инсон саломатлиги учун масъул малакали, тажрибали тиббиёт ходимлари ишлаши лозим.

Мамлакатда соғлом ва комил инсонга эҳтиёж катта. Солиқларимиз таълим, маърифат, маънавият учун сарфланаётганини наҳотки тушунмаймиз?!

Олий ўқув юртлари, мактаблар, боғчалар қурилиши, уларнинг дарсликлар, ўқув жиҳозлари, лабораториялар, кутубхоналар, компьютерлар, турли замонавий технологиялар билан таъминланиши солиқ тушумларига боғлиқлигини биламизми?

Яқин ўтмишда пахта терими пайтида ҳашарчиларнинг ётоғига айлантирилиб, терим тугагач, қандай абгор аҳволда бўлса, худди шундай ҳолда машғулотлар давом эттирилган, спорт майдончаларигача текисланиб пахта экилган, томидан чакка томадиган мактаблар ўрнига дунё ҳавас қилаётган илм кошоналари қурилишига ҳисса қўшиш наҳотки кимларгадир малол келаётган бўлса...

Жаҳон аҳли бошига мусибат олиб келган пандемиядан халқимизни эсон-омон олиб чиқиш учун давлатимиз раҳбари барча тизимга солиқ имтиёзларини бериш ҳақида қарорлар қабул қилгани одамларнинг ёдидан кўтарилгани йўқ ҳали.

Ўшанда махсус комиссия тузилди. Тиббиёт муассасалари фавқулодда иш режимига ўтказилди. Қисқа муддатда махсус шифохона ва карантин ҳудудлари қурилди. Сиҳатгоҳ ва оромгоҳлар карантин муассасаларига мослаштирилди. Тиббиёт масканлари дори-дармон, ҳимоя ва диагностика воситалари билан етарли даражада таъминланди. Бунинг учун зарур маблағ ажратилди. Бу маблағ йиғилган солиқ тушуми эканидан наҳотки хабарингиз бўлмаса?

Пандемия вақтида мамлакат бўйлаб жойлардаги муаммолар очиқ муҳокама қилинди. Коронавирусга қарши курашиш учун қайси ҳудудга қандай техника ва воситалар кераклиги белгиланди. Президентимиз мутасаддиларга ҳақиқий ҳолатни реал вақт режимида назорат қилиб, юзага келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиб бориш бўйича қатъий топшириқ берганини барчамиз яхши биламиз.

Хуллас, мамлакатимиз етакчисининг саъй-ҳаракати туфайли ҳар бир ҳудуд эҳтиёждан келиб чиқиб, етарлича дори-дармон, тиббий буюмлар ва тест тизимлари билан таъминлангани, тиббиёт ходимлари моддий рағбатлантирилгани бугун тарих саҳифаларидан ўрин олди.

Биз тўлаётган солиқларнинг бир қисми тиббиётга йўналтирилганини миннатдорлик билан қабул қилишимиз керак эмасми?

Текис ва равон йўллар — ободлик белгиси, мамлакатнинг қиёфасини белгиловчи омил. Уйимизга, ишга, барча муқаддас жойга, тарихий осори атиқаларга йўллар олиб боради.

Ўзбекистонга сармоя киритаётган инвесторлар, аввало, йўлларимизга қарайди. Йилдан йилга каррасига кўпаяётган туризм ривожида йўлларнинг ўрнини бошқа бирор нарса билан тўлдириб бўлмайди. Бошқача айтганда, даромад йўллардан юриб, кириб келади. Йўлларга қанча кўп пул сарфласак, шунча кўп фалокатнинг олди олинади.

Биз тўлаётган солиқнинг бир қисми йўл қурилишига кетишини наҳотки тушунишни истамаймиз?

Жорий йил 6 апрель куни Президентимиз солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ органлари фаолиятини ислоҳ қилишга доир тақдимот билан танишди. Унда давлатимиз раҳбари солиқ тизимини такомиллаштириш, назоратни кучайтириш ва хуфиёна иқтисодиёт ҳақида тўхталиб ўтди.

Солиқ тизимидаги шаффофлик ва адолат давлатимиз раҳбари назоратида турганининг ўзиёқ ҳар биримизнинг виждонимизни уйғотмоғи шарт ва зарур.

Энг ривожланган мамлакатларда солиқ тўламагани ёки солиқдан қочгани учун “эркатой юлдузлар”, юрти тараққиётида ўрни бор тадбиркорларга жарима ва жазо белгиланган.

Бунга мисоллар кўп. Масалан, аксарият футбол юлдузлари, шоу-бизнес вакиллари солиқ тўламаслик билан боғлиқ воқеалар сабаб жавобгарликка тортилган.



> **Энг ривожланган мамлакатларда солиқ тўламагани ёки солиқдан қочгани учун “эркатой юлдузлар”, юрти тараққиётида ўрни бор тадбиркорларга жарима ва жазо белгиланган. Бунга мисоллар кўп. Масалан, аксарият футбол юлдузлари, шоу-бизнес вакиллари солиқ тўламаслик билан боғлиқ воқеалар сабаб жавобгарликка тортилган.**

Иқтисодиёти ривожланган давлатларда солиқ “ихтиёрий бурч” эмас, балки қатъий ижтимоий шартнома.

Машҳурлик, бойлик ёки таъсир жазодан ҳимоя қилмайди. Энг муҳими, жазо муқаррарлигида.

Хўш, бизда-чи? Бирор марта солиқ тўламагани ёки солиқдан қочгани учун ишбилармон, шоу-бизнес вакили ёки машҳур спортчи жаримага тортилгани ҳақида эшитганмисиз? Эшитмагансиз! Чунки бизда улар доимо эъзозда.

Тадбиркорлик, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, санъат, адабиёт, маданият ривожига ҳисса қўшганлар, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаб, ногиронлиги бор юртдошларимизни иш билан таъминлаганлар учун босқичма-босқич солиқ имтиёзлари жорий этиб келинмоқда.

Ўзбекистон бугун жаҳонга эшикларини очди. Дунё ўзбек билан дўст бўлишни истамоқда. Беклигимизни, энг аввало, юрагимизда, виждонимизда тиклайлик. Олдимизда турган улкан масъулиятни шараф дея қабул қилайлик. Энг асосийси, топган даромадимиздан қонунда белгиланган миқдорда солиқ тўлашни виждон иши деб билайлик.

Ҳафталик



# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАН БОШЛАНГАН ЭСТАФЕТА

## Хоразм инновацион медиа маркази чорраҳасида

**Глобал ахборот маконидаги шиддатли ўзгаришлар, ижтимоий тармоқлар ва сунъий интеллект ривожи, ёлғон хабарлар оқими кўпайгани медиа соҳаси вакилларидан мутлақо янгича ёндашувларни талаб этмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда йилнинг энг йирик ва муҳим таълимий-амалий лойиҳаси — журналистлар, блогерлар ва ахборот хизмати ходимларини ягона платформада бирлаштирувчи медиа ҳафталик иш бошлади.**

Ўзбекистон бўйлаб ҳаракатланувчи мазкур медиа эстафетанинг илк босқичи 30 март куни Қорақалпоғистондан бошланди. Машғулотлар давомида иштирокчилар ҳаққоний кейслар асосида ишлаш, хатоларни таҳлил қилиш, янги ёндашувларни шакллантириш имкониятига эга бўлди. Спикерлар тажрибаси билан ўртоқлашиб, замонавий медиа ривожининг устувор йўналишлари бўйича тавсиялар берди.

Жорий ҳафтада эса Хоразм вилоятидаги медиа вакиллари учун муҳим ва фойдали мулоқот майдони ташкил этилди. Қорақалпоғистонда бошланган медиа ҳафталик бу ерда давом эттирилиб, иштирокчиларга замонавий билим ва амалий кўникмалар беришга хизмат қилди.

Мазкур лойиҳадан асосий мақсад — глобал ахборот маконида рақобатбардош, замонавий талаб ва мезонларга жавоб бера оладиган контент ишлаб чиқувчиларни кўпайтириш, медиа бўйича янги авлод профессионалларини шакллантириш ҳамда ахборот соҳасида сифат жиҳатидан янги босқичга чиқишдан иборат.

Медиа ҳафталик доирасидаги машғулотлар мазмунан кенг қамровли бўлиб, уларда назарий билимлар билан бир қаторда амалий кўникмаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, стратегик коммуникация, жамоатчилик билан алоқалар, репутация бошқаруви, фактчекинг ва ёлғон хабарларга қарши курашиш усуллари, сунъий интеллект асосида контент яратиш, визуал сторителлинг, мобилография, ижтимоий тармоқлар алгоритми билан ишлаш каби йўналишлар бўйича иштирокчиларга замонавий билим ва тажрибалар етказилмоқда. Айниқса, сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш бўйича амалий сессиялар медиа соҳасида янги ёндашувларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хоразм вилоятида ўтказилган медиа ҳафталикда ахборот хизмати ходимлари, давлат ва нодавлат телеканаллар ижодкорлари, босма ва интернет ОАВ вакиллари, маҳаллий блогерлар, мобилографлар, SMM мутахассислари ҳамда контент яратишга қизиқувчи ёшлар ягона платформада жамланди.



Ҳафталик якунида ўтказилган медиафорум эса ушбу жараённинг энг йирик нуқтасига айланиб, 1000 дан зиёд медиа вакиллари ва ёшларни бир майдонда бирлаштирди.

Иштирокчилар бешта асосий йўналиш бўйича ўқитилди: босма ва интернет ОАВ вакиллари рақамли контент, сунъий интеллект ва фактчекингни ўзлаштирди; телевидение ижодкорлари репортаж ва тасвир сифатини оширишга эътибор қаратди; ахборот хизмати ходимлари коммуникация, очиқлик ва KPI бўйича амалий кўникмалар олди; SMM мутахассислари ва блогерлар эса замонавий контент яратиш ва аудитория билан ишлаш усулларини ўрганди.

Медиа ҳафталик доирасида ахборот соҳаси вакиллари учун икки муҳим методик нашр тақдим этилди: “Давлат органлари ва ОАВ ҳамда блогер ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари” қўлланмаси ахборот алмашинувини қонуний ва шаффоф ташкил этиш механизмларини белгилаб берса, “Давлат идораларининг ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларини верификация қилиш бўйича йўриқнома” Facebook, Instagram, Telegram, YouTube ва X каби платформаларда расмий белгини олиш тартибини тушунтириб, рақамли маконда ишончли ахборот муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.



Хоразм вилоятида ўтказилган медиа ҳафталик ОАВ вакилларини бирлаштирган йирик медиа-форум ва иштирокчиларни рағбатлантиришга қаратилган маросими билан ўз якунига етди. Навбатдаги босқич жорий йилнинг 13-17 апрель кунлари Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтади.

**Азизбек ЮСУПОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН **ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА** ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОDНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** Г-446.
30646 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 03:25 Топширилди — 03:55

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05